

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК 42:494.3:491.7

ОЛИМОВА ХУРШИДА ВАЙДИЛЛАЕВНА

**ТУРЛИ ТИЛЛАР ТИЗИМИДА АТОҚЛИ  
ОТЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ**  
(инглиз, ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида)

5A120102 – Лингвистика (инглиз тили)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**



Илмий раҳбар:  
проф. Кулмаматов Д.С.

Самарқанд - 2014

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| КИРИШ .....  | 2  |
| I БОБ. СЎЗ ТУРКУМИ ТАСНИФИДА ОТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ .....                              | 10 |
| 1.1. СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ТАСНИФИЙ БЕЛГИЛАРИ .....                                   | 10 |
| 1.2. ОТ ТУРКУМИДАГИ БИРЛИКЛАРНИНГ ТАВСИФЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ .....                      | 19 |
| БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР .....   | 26 |
| II БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА СТРУКТУР ТУЗИЛИШИ .....                       | 28 |
| 1.1. ОТЛАРНИНГ СЕМИОЛОГИК ВА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ .....                           | 28 |
| 2.2 АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ГРАММАТИК ШАКЛЛАРИ .....                                      | 38 |
| ИККИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР .....   | 50 |
| III БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ МАТН ТАРКИБИДАГИ СТИЛИСТИК-ПРАГМАТИК<br>ВАЗИФАЛАРИ ..... | 53 |
| 3.1 АНТРОПОНИМЛАРНИНГ МАТНДА ҚЎЛЛАНИШИ .....                                       | 53 |
| 3.2. ТОПОНИМЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ФАОЛЛАШУВИ .....                                 | 62 |
| 3.3. ЛАҚАБЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ .....                                     | 71 |
| УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР .....  | 78 |
| Фойдаланилган адабиётлар .....   | 79 |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Маънавий қадриятларни шакллантиришда таълимнинг имкониятлари катта бўлганлиги учун ҳам истиқлолгача эришилган кундан бошлаб асосий эътибор унинг самара берадиган усуллари ишга солишга қаратилди. Юртбошимиз И.Каримов ўзбек халқи билан жаҳондаги бошқа халқларнинг маънавий-маданий қадриятлари ўртасидаги уйғунлик, уларни бир-бирига зид қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида гапириб, шундай деган эди: “Умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонамизга татбиқ этиш лозим. Шу билан биргаликда миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур”.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, истиқлол халқимизнинг уйғониши, илму-фан тараққиёти янги босқичга чиқиши учун тўла имконият яратди. Презедентимизнинг бир қатор рисола ва нутқларида кишилар дунёқарashi ва жамият мафқурасининг шаклланишида ижтимоий фикрларнинг, хусусан, адабиётшунослик ва тилшунослик фанининг ўрни беқиёсслигини таъкидлайдилар.<sup>2</sup>

Жаҳон тилшунослигида тил тизимига хос имкониятларнинг амалий воқеланишини, унинг нутқий фаолият, маданият, миллий тафаккур билан узвий муносабатини тадқиқ қилиш илғор йўналишларига айланди. Айниқса тил луғат таркиби бирикмаларининг табиати, уларнинг инсон фаолияти, ҳаётий тажрибасида тутган ўрнини белгилашга оид тадқиқотларга эҳтиёж кучаймоқда. Маълумки, луғат захирасининг бойлиги – унинг таркибидан турли-туманлигида. Луғат – турли гуруҳлардан иборат, у бири-биридан кескин фарқ қиладиган birlikлар мажмуасини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

ташқил қилади. Ана шу мажмуада атоқли отларнинг ҳам алоҳида ўрни, мавқеси бор. Аммо атоқли отлар бошқа турдаги луғавий бирликларга нисбатан кам ўрганилган гуруҳни ташқил қиладилар. Тилшуносликда атоқли отларни ўрганувчи алоҳида соҳа – ономастиканинг таҳлил тамойиллари тўлиғича шаклланиб бўлмаганлиги туфайли туғилаётган кўплаб саволлар хануз аниқ жавобга муҳтождир. Хусусан, атоқли отларнинг семасиологик кўрсаткичлари, уларнинг грамматик категориялари, маъно ифодалаш ва матн яратилишида бажарадиган вазифасини аниқлаш тилшуносликнинг долзарб муаммолари қаторидан ўрин олади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, атоқли отларга бўлган қизиқиш ўтмишда ҳам бўлган. Киши исмлари, жой номларининг пайдо бўлиши, этнографияси, маъно ва этимологияси ҳақидаги дастлабки асарлардан бирининг муаллифи – Муҳаммад аз Замахшарийдир. Аммо атоқли от материалларини тизимли равишда, илмий асосларда кенг кўламда ўрганиш ўтган асрнинг олтиминчи йилларида бошланган. Фарб олимларидан А.Гардинер, О.Есперсен, Ҳ.Сёренсен, рус тилшунослари А.И.Суперанская, Л.М.Ўетинин, Н.Г.Михайловская, юртдошларимиз В.И.Болотов, Э.Бегматов, Т.Нафасов, Н.Бегалиев кабиларнинг ишларида атоқли отларнинг структур тузилиши, уларнинг маъно хусусияти ҳақида билдирилган фикрлар ўз қимматига эга. Ономастик тадқиқотлар кўламининг кенгая бориши бу илмий соҳанинг шаклланиши, ривож ва раванқ топишига олиб келди. Ҳозирги пайтда кишилар номлари, топонимлар, этнонимларни таҳлиliga муносабат ўзгача тус олмоқда. Биринчидан, бу номлар нафақат лисоний материал, балки халқ тарихи, маданияти ва маънавиятининг нодир мероси сифатида эъзозланмоқда ва ўрганилмоқда. Иккинчидан, атоқли отлар туркумига кирувчи бирликларнинг нутқий фаолият ижросининг маҳсули бўлган тузилма ва матнларда намоён бўладиган ифода имкониятларини ёритиш коммуникатив лингвистика учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ушбу ишнинг асосий мақсади атоқли отларнинг семиологик, структур-семантик ва коммуникатив хусусиятларини тадқиқ қилиш ва уларнинг мулоқот фаолиятидаги роли ва ўрнини белгилашдир.

Мана шу мақсадни амалга ошириш **қуйидаги вазифаларни** бажаришни талаб қилади:

- атоқли отлар тадқиқига оид илмий адабиётларни ўрганиб чиқиш ва сўзларнинг туркумларига ажратиш тамойилларини белгилаб олиш;

- атоқли ва турдош отлар муносабати доирасини чегаралаш ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳосил қилувчи жараёнлар кўламини аниқлаш;

- атоқли отларнинг грамматик категориялари меъёрини белгилаш ва улар формал тузилишининг грамматик маъно ифодасидаги имкониятларни ўрганиш;

Атоқли отларнинг артикль билан бирикувида ҳосил бўладиган каннотатив маъно бўлакларини ажратиш;

- атоқли отларнинг бадиий матн таркибида фаоллашувида юзага келадиган стилистик-грамматик ҳодисаларни таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти.** Инглиз ва ўзбек тиллари луғат тизимидаги антронимлар, топонимлар, урбанонимлар ва бошқа турдаги атоқли отлар гуруҳлари.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ишнинг тадқиқ предмети атоқли отларнинг структур-семантик хусусиятларининг тил тизими ва нутқий фаолият жараёнига хос хусусиятларининг вазифавий ва коммуникатив талқини ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг методологик асосларини** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш”, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадини кўзловчи Президент қарорлари ва бошқа меъерий ҳужжатлар ташкил қилади. Жаҳон

тилшуносларининг асарларида баён қилинган лисоний фаолият тадқиқига оид ғоялар, фикр-мулоҳазалардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди.

**Таҳлил методлари.** Қўйилган муаммони ўрганишда маълум турдаги таҳлил методларидан фойдаланилди. Жумладан, семиотик таҳлил методи атоқли отларнинг лисоний белги сифатида шаклланиш жараёни тадқиқи учун қулай бўлса, компонентларга ажратиш методи атоқли отларнинг семантик тузилишини ўрганиш талабларига мос келади. Шунингдек, контекст таҳлили методи шу туркумдаги сўзларнинг матнда фаоллашуви ва муаллиф прагматикасига мослашув жараёнлари тадқиқида маъқул келади.

**Ишнинг илмий янгилиги.** Тадқиқотда эришилган янгиликлар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

-ишнинг илмий янгилиги, биринчи навбатда, танланган мавзунинг долзарблиги ва ушбу мавзу тадқиқига замонавий тилшуносликка хос бўлган таҳлил усуллари нуқтаи назаридан ёндошилаётганлиги билан белгиланади;

-сўз туркумлари таснифининг тилшуносликда таклиф қилинган тамойиллари танқидий таҳлил қилинди ва ушбу тамойилларни от туркумидаги бирликларни гуруҳларга ажратишга татбиқ қилиш мезонлари белгилаб олинди;

-атоқли отларнинг семиотик мақоми ва структур-грамматик хусусиятлари аниқланди;

-атоқли отлар мулоқот унсури сифатида ўрганилди ва уларнинг контекстга хос маъно хусусиятлари таҳлил қилинди;

-атоқли отлар алоҳида гуруҳларининг матнда фаоллашуви даражаси аниқланиб, уларнинг бадий ғоя ва коммуникатив мазмунини ифодалаш имкониятлари ўрганилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Инглиз ва ўзбек тиллари материалида атоқли отлар гуруҳларининг кенг миқёсда тадқиқ этилиши луғат тизими, луғавий birlikлар семантикаси, уларнинг

коммуникатив-прагматик имкониятларини батафсил ўрганиш истикболни белгилаб беради. Тил бирликларини “имконият ва воқелик” диалектикаси асосида антропоцентрик ёндошув нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши лисоний структуралардаги айрим мавҳум ҳолатларни ойдинлаштиришда назарий аҳамият касб этади. Олинган натижалар умумий ва хусусий тилшуносликнинг муҳим масалаларини изчил ўрганиш ва уларнинг ечимларини топишга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.** Тадқиқот давомида эришилган натижалар ва хулосалар олий ўқув юртларида инглиз тилини ўрганувчи талабаларни ўқитиш савиясини оширишга хизмат қилади ҳамда маданиятлараро мулоқот кўникмаларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот материаллари ўқув қўлланмалар, луғатлар ҳамда услубий қўлланмалар яратишда қўл келади. Улардан лексикология, стилистика, матн тилшунослиги фанларини ўқитишда фойдаланиш тавсия қилинади.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур иш Кириш ва унинг моҳиятини акс эттирувчи учта бобдан иборат бўлиб, умумий хулосалар билан яқунланади. Шунингдек, фойдаланилган адабиётлар рўйхати алоҳида келтирилган.

“Кириш” қисмида ишга умумий тавсия берилиб, мавзунинг долзарблиги асосланади ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, методологик асоси ёритилади. Шунингдек, эришилган янгилик ҳамда ушбу янгиликнинг назарий-амалий аҳамияти қайд этилади.

Ишнинг биринчи боби “Сўз туркуми таснифида отнинг тутган ўрни” деб номланиб, ушбу қисмда лексик-грамматик ҳодиса бўлган сўз туркумларининг таснифий белгилари ҳамда от туркумида бирикмаларни ажратиш тамойиллари ёритилган.

Иккинчи боб “Атоқли отларнинг семантик ва структур тузилиши”, деб номланиб, унда алоҳида туркумни ташкил қилувчи луғавий бирликлар бўлган атоқли отларнинг семиологик, структур ҳамда маъно хусусиятлари

таҳлил қилинади. ушбу қисмда алоҳида эътибор атоқли отларнинг грамматик шакллари тавсифлаш ва уларнинг грамматик категорияларини аниқлаштиришга қаратилади.

“Атоқли отларнинг матн таркибидаги стилистик – прагматик вазибалари” деб номланган учинчи бобда атоқли отларнинг матн таркибидаги деривацион, уларнинг бадий ғоя ифодасидаги фаоллиги ҳамда прагматик мазмун шаклланишидаги роли тадқиқ қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқотда эришилган натижалар, хулосалар ва тавсиялар Самарқанд давлат чет тиллар Институти талаба-магистрантларининг 2013-2014 йилларда ўтказилган назарий ва илмий-услубий конференцияларида ўқилган маърузаларда баён қилинган. Муаллиф тамонидан диссертация материаллари асосида иккита мақола эълон қилинган.

Диссертация “Инглиз тили фонетикаси” кафедраси йиғилиши ҳамда “Инглиз филологияси” факультети Илмий кенгашида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган.



## **I БОБ. СЎЗ ТУРКУМИ ТАСНИФИДА ОТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

### **1.1.СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ТАСНИФИЙ БЕЛГИЛАРИ.**

Тилшунослик тарихида сўзни тасниф этиш каби чигал ва кўп муҳокама қилинган масала бўлмаса керак. Ҳиндистонлик Панини, юнон Арасту ва араб тилшуноси Сабавайҳ даврларидан бошлаб ҳамма, бу мавзу устида бош қотириб келмоқда. Зеро, сўз маъновий ва грамматик бутунлик сифатида ҳар бир тадқиқотчидан унинг табиатини аниқлаш, шунга қараб лексик ва грамматик тавсифлашни талаб қилади. Бундай тавсифга сўзлардаги бевосита ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш ҳамда таснифлаш йўли билан эришиб бўлади. Шунинг учун сўзларнинг таснифий белгиларини ўрганиш ва уларни лексик-грамматик гуруҳларга ажратиш ҳар бир давр тилшунослик учун муҳим муаммо бўлиб қолаверади.

Араб тилшунослигида анъанага айланган таснифга биноан сўзлар исм, феъл, ҳарф туркумларига ажратилган эди. Ғарб тилшунослигида сўзларни грамматик хусусиятларга нисбатан ўндан ортиқ гуруҳларга ажратиш тажрибаси тарқалди. Машҳур тилшунос С.Д.Кацнельсон ёзганидек, сўзлар “Анъанавий таснифининг тавсифий грамматикага татбиқ этилиши ҳеч қандай гумонни туғдирмайди”.<sup>3</sup> Худди шу анъана ҳозирги замон тадқиқотларида, шу жумладан, функционал ва коммуникатив грамматикаларда ҳам давом этиб келмоқда.<sup>4</sup>

Сўз туркуми таснифининг муаммоли бўлиши, энг аввало, ушбу таснифнинг ягона бир тамойилга эга эмаслигида. Инглиз тили назарий грамматикасининг биринчи муаллифи бўлган Ҳенри Суит асосий тамойил сифатида морфологик кўрсаткичларни танлайди ва луғавий бирликларни

---

<sup>3</sup> Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. –Л: Наука, 1972. –С.128.

<sup>4</sup> Слюсарева Н.А. Проблемы функциональной морфологии английского языка. М: Наука, 1986; Иванова И.Б., Бурлакова В.В., Поченцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1981.

ўзгарувчан ҳамда ўзгармас сўзларга (declinable and indeclinable words) ажратади. Худди шу муаллиф сўзларни синтактик вазифаларига нисбатан ҳам таснифлаш йўлидан бориб, noun-words ва verb-words гуруҳларини фарқлайди. Биринчи гуруҳдан, туб отлардан ташқари, олмош, сон, сифатдош ва бошқалар жой олади. Герундия, инфинитив, сифатдошлар морфологик кўрсаткичларга асосан verb-words гуруҳига киритилади.

Ўзгармас сўзлар қаторига эса мустақил гап бўлаги вазифасини бажарадиган равиш билан бир қаторда, бундай имкониятга эга бўлмаган боғловчи, предлог, ундов сўзлари ҳам киритилади.

Даниялик тилшунос Отто Есперсен шакл ва вазифа тамойилларини бирлаштиришнинг имкони йўқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, сўз туркумлари таснифида морфологик кўрсаткичга (ўзгарувчанлик ва ўзгармаслик) таянилганда, must, the, then, for, enough каби сўзларни ягона бир гуруҳга уюштириш лозим бўлар эди. Ушбу муаллиф луғавий бирликларни улар эгаллайдиган синтактик ўринларига нисбатан туркумлашни маъқул кўради. Сўз бирикмасининг бош бўлагини ташкил қилувчи ва гапда эга ўрнида келувчи отларни “бирламчи” (primary) ва иккинчи даражали бўлак ўрнини олувчи отларни “иккиламчи” (secondary) ҳамда ушбу бирламчи ва иккиламчи сўзларни аниқловчи “учламчи” (tertiary) отлар, деб аташни таклиф қилади.<sup>5</sup>

Яна бир тилшунос Чарльз Фриз сўз туркумлари анъанавий таснифини тамоман инкор қилиб, ушбу таснифда фақат сўзларнинг гаптаги синтактик ўрнини асос қилиб олишни тавсия қилган. Ч.Фриз ажратаётган тўртта туркум от, феъл, сифат, равиш атамаларини олган бўлсада, лекин уларнинг тасниф тамойили – синтактик ўринни эгаллашдир. Масалан, 1-гуруҳ сўзларига The concert was good ва The clerk remembered the tax гапларидаги concert ва tax сўзлари кирса, 2-гуруҳга шу гаплардаги was (to be) ва remembered унсурлари киритилади. Ниҳоят, 3-

---

<sup>5</sup> Есперсен О. Философия грамматики. –М., 1958.

гурухдан биринчи гапдаги good ўрин олади ва 4-гурухга there типдаги сўзлар жойлашади.<sup>6</sup>

Ҳақиқатдан ҳам сўзларнинг грамматик хусусиятларини аниқлашда уларнинг таснифий белгилари муҳим ролни ўйнайди. Масалан, *My friend lives in London* гапини олиб, ундаги ҳар бир сўзнинг ўзига грамматик жиҳатдан мос келадиган сўзлар билан ўрин алмаштириши мумкинлигини кўрамиз. Жумладан, *my* сўзи ўрнида *your, his, our, this, their* сўзлари ишлатилишини, аксинча, *brother, family, wife* кабиларнинг қўлланиши таъқиқланганлигини кўрамиз. Бу сўзлар ва уларга ўхшаш *father, teacher, sister* кабилар келтирилган гапдаги *friend* сўзининг ўрнини босиши мумкин. Шу гапдаги *lives* элементи ўрнига *arrives, stays, works* каби сўзларни қўйишнинг имкони бор. Буларнинг барчаси тил тизимида луғавий бирликларни маълум гуруҳларга ажратиш лозимлигидан гувоҳлик беради.

Бошқа тамондан, айнан шу сўзларни улар ифодалайдиган грамматик категориялардаги фарқларга нисбатан таснифлаш имкони ҳам йўқ эмас. Жумладан, *friend* сўзи ўрнига ишлатилиши мумкин бўлган *brother, family, father, group* каби сўзларга сон категорияси хослигини кўрамиз: *friends, family – families, wife – wives, sister – sisters, etc.* Шунингдек, *lives* нинг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган *arrives, stays, works* каби сўзларга замон категорияси хослиги аниқланади: *works – worked, arrives – arrived, comes – came, etc.* Албатта, ушбу хусусиятни сўз туркумлари таснифида қисман, фақат ўзгарувчан сўзларга нисбатан қўллаш тавсия қилинади.

Айтиш жоизки, сўз туркумлари тил тизимидаги энг йирик гуруҳлардир. Ҳар бир сўз туркуми ўз ички бўлинишига эга ва бунда майда гуруҳларнинг ўзига хос грамматик белгилари инобатга олинади. Бинобарин, от туркумидаги сўзларни саналадиган ва саналмайдиганларга, феъл туркумидагиларни ўтимли ва ўтимсиз феълларга ажратиш анъанаси мавжуд.

---

<sup>6</sup> Fries Ch. The Structure of English. –N-Y.: Brace, 1952.

Синтактик вазифа бажарилиши ва сўзнинг гапдаги ўрнини инобатга олиш бир хил кўринишдаги сўзларни туркумлаштиришда кўл келади. Чунки луғат жамғармасидаги ҳар бир сўз фақат биргина сўз туркумига кириши мумкин. Қиёсланг:

- 1 .She wore a yellow dress;
2. Do not use this soap – it will yellow your linen;
3. The yellow of an egg is called the York.

Келтирилган гаплардаги yellow ягона бир сўз бўлмасдан, балки учта алоҳида лексемадир. Бу лексемалар турли сўз туркумлари вакиллари сифатида тавсифланадилар: биринчи гапдаги yellow – сифат бўлса, иккинчисидаги yellow – феъл ҳамда учунчи гапдаги yellow от туркумига киради. Уччала лексема нафақат гап қурилишидаги иштироки билан, балки ҳар хил морфологик кўрсаткичлари ва грамматик категориялари билан ҳам фарқ қилади. Сифат сўзлари морфологик ўзгарувчанлик хусусиятига эга эмас, феъл туркумидагилар эса сўз шакллари ясайдилар (to yellow, yellows, yellowed, yellowing).

Маълумки, лексема нутқда қўлланилар экан бунда у грамматик жиҳатдан тугал шаклланган, яъни грамматик морфема билан бириккан ҳолда намоён бўлади. Бироқ лексема ҳар қандай грамматик морфема билан бирика олмайди. Шунинг учун грамматик категория ҳамда шаклга хилма-хил муносабатига нисбатан лексеманинг қаторлари аниқланади. Чунончи, ўзбек тили грамматик қоидалари “Очиллар гуллар” қабалидаги гап тузилишига йўл қўймайди. Ваҳоланки, “Гуллар очилди” тузилмаси қоидаларга мос келадиган гап. Чунки, ҳозиргина инглиз тилидаги гапларда yellow, yellowes шакллариининг таҳлилида кўрганимиздек, **очил** феъли – **лар** кўплик шаклини олиши мумкин эмас. Бу феъл ўтган замон шаклини олиши эса қоидага мос келади. Шу боис лексеманинг қандай грамматик категория ва унинг шакли маъносига эга бўлиши ҳамда унинг қўшимчалар билан синтагматик муносабатига киришишини сўзларни туркумлашга асос бўладиган меъёр сифатида қараш мумкин.

Тил тизимида луғавий бирликларнинг барчаси семантик, синтактик ва морфологик белгиларга эга бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун сўзларнинг тизимда тутган ўрни, моҳияти аниқланар экан, уларнинг худди шу уч белгисига эътибор бериш керак бўлади. Сўзларни туркумлашга оид таснифда эса бу белгилар умумлаштирилади. Чунончи, инглиз тилидаги book ва ўзбек тилидаги “китоб” –маъновий жиҳатдан мустақил сўз типи, атовчи лексема типи, от туркумидаги конкрет от тури. Бу сўз – “фан-маданият” тематик (мавзу) гуруҳига мансуб лексема; синтактик жиҳатдан боғланувчи, мучаланувчи, синтактик вазифаси чекланмаган лексема. Унинг морфологик белгилари ўзгарувчанлик ва сонланувчанликдан иборат.

“Замонавий ўзбек тили” дарслигининг муаллифлари ишонтиришларича, лексеманинг бундай уч жиҳатдан тавсифланиши унинг ҳақида “батафсил, чуқур ва бир-бирини рад этмайдиган, балки бир-бирини тўлдирадиган хулоса чиқаришга имкон беради”.<sup>7</sup>

Ушбу муаллифлар маънавий, синтактик ва морфологик тасниф асосида лексемаларнинг қуйидаги гуруҳни босқичма-босқич ажратишни таклиф қиладилар<sup>8</sup>:

| Босқич | Жиҳат.<br>Гуруҳ<br>номи | Маъновий                  | Синтактик                     | Морфологик  |
|--------|-------------------------|---------------------------|-------------------------------|---|
| I      | Тип                     | 1.Ёрдамчи<br>2.Мустақил   | 1.Ажралувчи<br>2.Боғланувчи   | 1.Ўзгармас<br>2.Ўзгарувчи   |
| II     | Синф                    | 1.Тасвирловчи<br>2.Атовчи | 1.Мучаланмас<br>2.Мучаланувчи | 1.Сонланувчи<br>2.Даражаланувчи<br>3.Тартибланувчи<br>4.Нисбатланувчи |
| III    | Тўп                     | 1.Ишора                   | 1.Чекланган                   | Синтагматик   |

<sup>7</sup> Замонавий ўзбек тили. Морфология. Т.: Мумтоз сўз, 2008. –Б. 383.

<sup>8</sup> Ўша дарслик, 383-384 бетлар.

|      |                            |   |                                     |                                 |
|------|----------------------------|---|-------------------------------------|---------------------------------|
|      |                            | 2.Ном   | 2.Чекланмас                         | муносабатга кўра                |
| IV   | Туркум                     | 1.От<br>2.Сифат<br>3.Сон<br>4.феъл<br>5.Равиш<br>6.Модал<br>7.Ундов<br>8.Тақлид | 1.Боғловчи<br>2.Кўмакчи<br>3.Юклама | Синтагматик<br>муносабатга кўра |
| V    | Тур                        | Туркум ичида  | Туркум ичида                        |                                 |
| VI   | Мавзу<br>Гуруҳи            | Тур ичида   |                                     |                                 |
| VII  | Луғавий<br>маъно<br>гуруҳи | Мавзу гуруҳи<br>ичида   |                                     |                                 |
| VIII | Луғавий<br>катор           | Луғавий маъно<br>гуруҳи ичида   |                                     |                                 |

Жадвалдан аёнки, семантик таснифда бўлиниш типдан то алоҳида луғавий қаторгача борса, синтактик таснифда туркум, морфологик таснифда эса синф босқичи билан чекланиб қолади. Бунинг асосий сабаби лексеманинг алоҳидалиги, ўзига хослиги, грамматиканинг эса ўта умумлаштирувчи табиатга эга бўлишидир.

Сўзларни туркумий таснифлаш имкониятлари тилнинг яхлит система эканлигини яна бир бор далиллайди. Тил тизимида маълум гуруҳдаги ходисалар фарқланишида алоҳида сатҳдаги фарқловчи белги билан чекланиб, бошқа сатҳларга мурожаат қилиб ўтиришга эҳтиёж йўқолади. Шу сабаб от, сифат, сон, феъл каби туркумлар морфологик жиҳатдан фарқланар экан, семантик ва синтактик белгиларнинг яқинлиги изланади. Юқоридаги жадвалга таянадиган бўлсак, бу туркумларнинг барчаси

тасниф жараёнида бир тўпга, яъни номловчилар тўпига бирлашади. Худди шу сабаб бу туркумга оид сўзларни маъно жиҳатидан фарқлаш анъанавий тилшуносликда катта муаммони туғдирган эди. Натижада, “Яхши ўқувчи яхши ўқийди” туридаги тузилмаларда “яхши” унсури ҳар иккала ҳолда ҳам сифатми ёки бошқа-бошқа сўз туркумларига оидми?, деган савол кўп баҳсларга сабаб бўлди. Ҳозирги кунда маълум бўлдики, морфологик жиҳатдан фарқланувчи сўзнинг маъновий ва синтактик жиҳатдан яқинлашувини инобатга олиш лозим.

Ўзбек тили грамматикасига оид ишларда, одатда, эгалик, келишик кўшимчасини олган сифат, сон, феъл, равиш, ундов, отлашган (субстантивлашган) сўзлар сифатида баҳоланади. Бунинг сабаби эгалик ва келишик категорияларининг асоссиз равишда таснифловчи категориялар таркибига киритилиши. Ваҳоланки, бу категориялар сўзларнинг бир туркумдан иккинчисига кўчишига омил бўла олмайди. Масалан, “олтин” сўзи гап таркибида эга вазифасида келиб, предмет маъносини аниқловчи вазифасида – белги маъносини ифодалаши мумкин:

- а) Олтин – қимматбаҳо металл;
- б) Дўконда олтин соат сотилапти.

Айрим олимларнинг фикрича, бу кўринишдаги нутқий транспозиция жараёнида “олтин” сўзи ўз лексик-грамматик хусусиятини ўзгартирмасдан, ягона бир сўз туркуми аъзоси бўлиб қолаверади.<sup>9</sup>

Сўз туркуми таснифининг морфологик тамойили А.М.Пешковский, Д.Н.Ушаков, Ф.Ф.Фортунатив, М.Н.Петерсон каби машҳур рус тилшуносларининг ишларида батафсил асосланган. Лекин ушбу тамойил мантиқий изчиллиги билан қанчалик даражада ажралиб туришига қарамасдан, қатор камчиликлардан холи эмас. Морфологик таснифнинг бир тамонламалигини, унинг баъзи ҳолатлардаги суствлигини рус

---

<sup>9</sup> Замонавий ўзбек тили. Морфология. Т.: Мумтоз сўз, 2008. Б.387.

академиклари В.В.Виноградив, Л.В.Щчербалар қаттиқ танқид остига олган эдилар.<sup>10</sup>

Юқорида эслатилган семантик, морфологик ва синтактик тамойилларнинг бирортаси ҳам тил тизимидаги луғавий бирликларни гуруҳларга тўлиқ тақсимлаш имконини бермайди. Ҳар қандай тамойилнинг татбиқида маълум миқдордаги сўзларнинг туркумлар оралиғида қолиб кетишини кузатиш мумкин. Бу ҳақида бир пайтлар академик Л.В.Щчерба қуйидагиларни ёзган эди: “Сўз туркумлари масаласига келадиган бўлсак, ҳеч бир тадқиқотчидан сўзларни аниқ бир меъёр асосида таснифлаш талаб қилинмайди. У қайси тасниф тил тизимига мос келаётганлигини аниқлаши лозим. .... айрим сўзларнинг ҳеч қайси туркумга мос келмаслигидан кўрқмаслик керак, демак биз уларни ҳақиқатдан ҳам бирор-бир категорияга киритмаймиз”.<sup>11</sup>

Сўз туркумлари таснифидаги мушкулликларни кўрган тилшунослар ушбу муаммонинг ечимини майдон назарияси татбиқидан излашга мажбур бўлдилар. Майдон назарияси татбиқининг тарафдорлари кўрсатишича, ҳар қандай сўз туркуми таркибида ушбу туркумнинг барча фарқловчи белгиларига эга бўлган сўзлар гуруҳи мавжуд бўлиб, улар шу туркум майдоннинг марказида турадилар. Шунинг билан биргаликда, ушбу туркумга хос белгиларнинг фақат маълум қисмига эга бўлган бирликлар ҳам учрайди. Демак, грамматик майдонда марказий ва сарҳаддош элементлар бир хилда, ўзаро боғлиқликда мавжуд бўладилар. Тадқиқотчиларнинг вазифаси лексик-грамматик майдон ҳудудини аниқлаш, унинг бирликлар грамматик хусусиятларини фарқлаш ва уларнинг қайси хусусиятлари бошқа туркумдаги сўзларга мос келишини билишдир.<sup>12</sup>

---

<sup>10</sup> Қаранг: Кубрякова Е.С. Части речи в ономазиологическом освещении. – М.: Наука, 1978.

<sup>11</sup> Щчерба Л.В. О частых речи в русском языке. В кн.: Избранные работы по русскому языку. Л., 1957.С.64.

<sup>12</sup>Щур Г.С. Теория поля в лингвистике. –М.: Наука, 1974.



Хуллас, анъанавий равишда ажратиб келинаётган сўз туркумлари таснифи мантиқан изчил эмас. Ажратилаётган сўз туркумлари семантик, синтактик ва морфологик ёндошувларнинг “ўзаро келишуви” натижасидир.<sup>13</sup> Бундай “ўзаро келишувлик” анъанаси сўз туркумлари муаммосини тилшуносликнинг доимий муаммоларидан бирига айланиши сабаб бўлмоқда.

Турли дарслик, қўлланмаларда сўз туркуми ҳодисасига “Сўз туркуми – бу сўзларнинг лексик-грамматик гуруҳларидир”, деган тавсифни учратамиз. Бу тавсиф қанчалик даражада тўғридек кўринмасин, баъзи изоҳларга муҳтождир. Биринчидан, сўз туркумлари ажратилишида туб лексик маънонинг ҳиссаси унчалик сезилмайди. Иккинчидан, грамматик гуруҳлар синтактик ва морфологик кўрсаткичлари асосида фарқланаётганлигини унитмаслик керак. Учинчидан, сўзнинг ўзини ёки сўзформаси гуруҳланаётганлигини аниқлаш лозим.

---

<sup>13</sup> Белошапкова В.А. и др. Современный русский язык. –М.: Высшая школа, 1981.

## 1.2. ОТ ТУРКУМИДАГИ БИРЛИКЛАРНИНГ ТАВСИФЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

От (nomen, substantive, noun) – бошқа сўз туркумларидан тубдан фарқ қиладиган, ўз грамматик-семантик хусусиятлари билан феъл ва бошқа турдаги сўзларга қарама-қарши турадиган сўз туркумидир. Бундай қарама-қаршилик нафақат семантик, балки формал ва функционал кўрсаткичларга эга. Отларнинг энг фарқли хусусияти, уларнинг барчаси ягона умумграмматик маънога эга бўлишида кўринади. Грамматик қўлланмаларда **ким, нима, қаер?** сўроқларига жавоб берадиган ҳамда мавжудот, нарса, жой, воқеани атовчи лексик бирликни от, деб аташ тавсия қилинади. Демак, “борлик ёки унинг парчасини предмет сифатида аташ” – отнинг умумий грамматик маъноси. Бундай таърифда **предмет** тушунчаси мантиқий ходиса бўлмасдан, балки грамматик мазмунга эга. Мантиқан предмет – жонсиз, сезги аъзосига бевосита таъсир этувчи нарса, грамматикада эса кенг маънода тушинилади, “мавжудлик” моҳиятига эга деб қаралади. Грамматик предметлик маъносига модийлик хусусиятига эга бўлмаган сўзлар ҳам эга бўладилар ва улар гуруҳига мавҳум маънодаги бирликлар ҳам киради. Ушбу гуруҳдаги сўзлар сифат, миқдор, ҳаракат, муносабат маъноларининг субстантивлашган кўринишидир.

От ўз категориал, маъно, грамматик белгиларига нисбатан субстанция кўринишга эга бўлмаган сифат, феъл, равиш каби бошқа сўз туркумларидан нутқий тузилмаларда бажарадиган вазифасига кўра фарқланади. Сифат ва равиш туркумидаги сўзлар нарса-ходисаларнинг белгисини ифодаловчи атрибутив ўринни эгалласалар, равиш ушбу белгининг белгисини номлайди:

1. These are the most **beautiful paintings** I have ever seen;
2. She has a **really** beautiful face; He spoke the me about it briefly.

Лекин, ушбу сўз туркумларининг бошқа вазифаларда келиши ҳам доимий ҳолат:

3. Your daughter **is pretty**;

4. He pushed the window **open**;

Келтирилган гапларда учинчисидан сифат мураккаб кесим таркибидан ўрин олаётган бўлса, тўртинчисидан эса сифат тўлдирувчига боғлиқ ва феъл тамонидан ифодаланган ҳаракатни натижасига ишора қилмоқда.<sup>14</sup>

Табиийки, отлар ҳам аниқловчи, ҳол, тўлдирувчи каби турли гап бўлаклари ўрнини эгаллаши мумкин. Аммо бу вазифаларда келаётган отлар ўзларининг грамматик хусусиятларини сақлаб қоладилар ва бевосита бошқа лексик-грамматик гуруҳлар каторига ўтиб кета олмайдилар. Масалан, инглиз тилидаги stone wall, iron lady ва ўзбек тилидаги **темир йўл, тош девор** каби бирикмалардаги биринчи элементларнинг (stone, iron; темир, тош) қайси сўз туркумига оидлиги узоқ пайтлардан буён муҳокама қилиб келинмоқда. Албатта, очиқ структура моҳиятига эга бўлган тил тизимида турли ўткинчи ҳолатлар мавжуд эканлиги маълум. Шунингдек, гап бўлақларининг синтактик вазифалари алоҳида сўз туркумлари мавжуд бўлишига асос яратади, морфология эса уларни фарқлаш учун восита хизматини ўтайди.

Сўз туркумлариининг туб, асосий маъноси уларнинг қандай вазифа бажаришидан қатъий назар, сақланиб қолади. Академик Л.В.Щерба айтганидек, қандай морфологик категорияларни у ёки бу тил тизими учун хослигини аниқлаш муҳимдир.<sup>15</sup> Ушбу категорияларнинг шаклан ифода топадиган маъно хусусиятлари синтактик вазифа ижроси учун муҳим омил. Шаклий кўрсаткичларнинг мавжудлигига қараб, сўзларнинг қайси гуруҳга оидлигини аниқлаш мумкин. Инглиз тилида рус ва ўзбек тилларига нисбатан морфологик кўрсаткичларнинг миқдори кам, бироқ бундай ҳолатларда контекст муҳим ролни ўтайди.

---

<sup>14</sup> Quirk R. Greenbaum S.A University Grammar of English. London: Longman, 1989. –P. 115.

<sup>15</sup> Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. –Л.: -Наука, 1974. –С. 79.

От туркуми предметлик маъносига эга бўлганлиги сабабли нарса-предметларнинг сони, миқдорини кўрсатади ва сон категорияси кўшимчаларини олади. Бирлик ва кўплик сонлари карама-қаршилигини ифодаловчи отлар структура жихатидан бошқа сўзларга ҳам ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади, бошқача айтганда, от билан бирикаётган феъл ва олмошлар сон категорияси доирасида ўзаро мослашадилар.

Отларнинг яна бир морфологик-структур кўрсаткичи уларнинг артикль билан бирикишида намоён бўлади. Бошқа туркумга оид сўзларнинг от туркумига кўчишида айнан артикль субстантивация ходисаси юз бераётганлигини исботловчи бирликка айланади. Шу сабабли баъзи грамматик қўлланмаларда артикль кўрсатиш олмошлари ва *some*, *each*, *every* каби сўзлар билан бир қаторда қаралади. Англиялик олим Жон Лайонзнинг ёзишича, бундай гуруҳланиш “семантикадан кўра грамматик асосга эга”.<sup>16</sup> Детерминаторлар (*determiners*) сифатида қаралаётган ушбу сўзлар ўзаро бирикмайдилар, масалан, *a my friend* дейиш мумкин эмас. Лекин *some of the pupils*, *each of the books (will do)* каби бирикмалар инглиз тили грамматик қурилиши талабларига жавоб беради, чунки бу ҳолда артикль от олди элементи ўрнини эгаллайди.<sup>17</sup>

Кўринадики, ҳозирги инглиз тилида от туркумидаги сўзларнинг бошқа туркумдагилардан фарқлашда баъзи формал белгиларга эътибор бериш лозим бўлади. Шунингдек, бу жихатдан сўз ясовчи воситаларнинг ролини ҳам инобатга олиш керак. Бироқ аналитик тиллар тизимида асосий ролни синтактик вазифа ўтайди. В.А.Ярцева қайд этганидек, сўзларнинг морфологик шакллари меъёри тор бўлганлиги боис, грамматик контекст биринчи ўринга чиқади.<sup>18</sup>

---

<sup>16</sup> Lyons J. *Semantics*. –Cambridge : CUP, 1978. P. 453.

<sup>17</sup> Quir R., Greenbaum S., Leech G., Svartvik J. *A Grammar of Contemporary English*. –L.: Longman, 1976.

<sup>18</sup> Ярцева В.Н. *Исторический синтаксис английского языка*. –М.: Наука, 1961. –С.17.

Грамматик контекст – сўзларнинг маълум турдаги гаплар таркибида ўзаро алоқага киришувидир. Синтактик муносабатлар ҳақида гапирганда, гап қурилишида муҳим рол ўтайдиган синтактик алоқалар бир хил мақомга эга эмаслигини инобатга олиш керак бўлади. Ҳар қандай синтактик алоқа ҳам сўзларни туркумларга ажратиш учун маълум бўлавермайди. Масалан, *This difficult job is very important* гапини олсак, ундаги *job* сўзи *difficult* ва *is* бўлаклари билан бир хилда алоқага эгаллиги аниқ бўлади. Лекин *job* сўзининг *is* бўлаги билан алоқаси *difficult* сифатиникидан кучсизроқ. Чунки гап таркибида феъл билан ҳар қандай сўз туркумига оид тил бирлиги бирика олмайди: жумладан олмош (**It is** very important), инфинитив ва герундия шаклидаги феъллар (**It proceed** is very important) ёки яхлит сўзлар бирикмаси (**What I tell you** is very important).

Олдинги ўринда турган сифат билан эса фақат от бирика олади, бошқа туркумларга оид сўзлар бундай қобилиятдан маҳрум: *Difficult it is important* ёки *Difficult the proceed is important* каби қурилмалар инглиз тили грамматик қоидалари талабига жавоб бермайди.

Демак, *job* сўзининг *is* элементи билан алоқага киришуви ушбу сўзнинг гап таркибидан жой олишини таъминловчи синтактик вазифанинг намоён бўлишидир. Отнинг сифат билан бирикуви эса синтактик вазифани бажармайди. Бунинг исботини юқорида келтирилган гап таркибидаги *difficult* сифатининг тушириб қолдириши гап структурасига таъсир кўрсатмаслигида сезилади: *This difficult job is very important* → *This ..... job is very important*. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида, отнинг сифат тамонидан аниқланишини сўз туркумлари ажратилишида муҳим эканлигидан дарак беради.

Л.С.Бархударов сўзларнинг маълум грамматик туркумларига тақсимотида етакчи синтактик кўрсаткич сифатида улар бажарадиган вазифа эмас, балки бошқа сўз туркумлари билан бирикишини инобатга

олиш лозимлигини қайд этган эди.<sup>19</sup> Жумладан, а very young man тузилмасида young сўзи бирваракайига man ва very сўзлари билан алоқага киришади. Young сифатининг от (man) билан алоқаси унинг синтактик вазифасини ифодалайди (man отининг тушириб қолдирилиши young сифатининг ҳам туширишга ундайди). Худди шу сифатнинг very равиши билан алоқаси эса синтактик вазифани бажармайди, чунки very элементи тушурилган бирикма ўз структур тўлиқлигини сақлаб қолади (a very young man → a young man).

Синтактик вазифанинг сўз туркумларини ажратишда муҳим кўрсаткич бўла олмаслиги, масалан, келтирилган мисолдаги man отининг нафақат сифат, балки бошқа туркумларга оид сўзлар билан ҳам бирика олишида кўринади: олмош (our man, this man), феъл шакллари (a smiling man, a wounded man), сон (one man, five man) ва ҳакоза. Шунинг билан биргаликда, отнинг равиш билан бирикишини тасаввур қилиш қийин: very our man, very smiling man каби тузилмалари инглиз нутқида қарийиб учрамайди.

Отларнинг синтактик белгилари сифатида уларнинг артикль, сон ва сифат билан бирикишини қараш лозимлиги айtilди. Бундан ташқари, шу мақсадда отлар ясовчи қўшимчалар қаторидан ҳам фойдаланиш мумкин. Маълумки, инглиз ва ўзбек тилларида махсус от ясовчи аффикслар гуруҳи ажратилади, улар бошқа сўз туркумларига оид ўзакка қўшилиш билан янги отларни ясайдилар. О.Д.Мешков инглиз тилида сифатга суффикс қўшиш усулида ясаладиган отларнинг (A + Suff = N) моделини 24 тага етишини қайд этади. Қиёсланг: Shortage (A + age = N); precision (A + ion = N); likelihood (A + hood = N); realism (A + ism = N); realist (a + ist = N); humidity (A + ity = N); merriment (A + ment = N); helplessness (A + ness = N), etc.

Феъл ўзакка суффикслар бирикиши асосида ясаладиган отлар 23 та моделга тақсимланади:

---

<sup>19</sup> Бархударова Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1975. –С. 55.

Conspiracy (V + acy = N); breakage (V + age = N); acceptance (V + ance = N); stinkard (V + ard = N); deportee (V + ee = N); reader (V + er = N); suckling (V + ling = N); etc.<sup>20</sup>

Ўзбек тили сўз яшаш тизимини назарий жиҳатдан таҳлил қилган академик Азим Ҳожиев от ясовчи кўшимчаларни ҳосил бўлаётган отларнинг қандай маъно касб этишига нисбатан турли гуруҳларга ажратади.<sup>21</sup> Ўзбек тилида шахс отини ясовчи аффикслар **-чи** (ўқитувчи, сувчи), **-кор** (бастакор, ижодкор), **-соз** (машинасоз), **-фуруш** (чайфуруш, молфуруш), **-шунос** (молшунос, тилшунос), **-паз** (ошпаз, нонпаз), **-хўр** (чайхўр, ошхўр), **-боз** (дорбоз, ишқибоз), **-хон** (китибхон), **-навис** (хатнавис, шеърнавис), **-параст** (молпараст, гулпараст), **-гўй** (аллагўй), **-дош** (синфдош, куролдош) кабилардир.

Нарса, буюм маъноли отлар ўз пайтида **-(и)н** (кўшин, тугун, кўшли), **-(и)нди** (киринди, чўкинди, чиқинди) каби суффикслар воситасида ясалган. Ҳозирги пайтда фақат **-ма**, **-нома**, **-гич** суффикслари ўз маҳсулдорлигини сақлаб келмоқда.<sup>22</sup> Қиёсланг: **йўқлама**, **қоплама**, **кўрғазма**, **қўлланма**, **сузма**, **қурилма**, **чизма**, **сўровнома**, **тақдимнома**, **рухсатнома**, **илгич**, **кескич**, **қирғич** кабилар.

Жой номларини билдирувчи отларни **-лоқ**, **-зор**, **-истон**, **-дон**, **-лик** кўшимчалари турли ўзакларга бирикиш йўли билан ясайди: қумлоқ, тошлоқ, ўтлоқ, дарахтзор, гулистон, қабристон, кулдон, туздон, дарсхона, кўйхона, чайхона, сайлгоҳ, сайргоҳ, ботқоқлик, жарлик кабилар.

Бундан ташқари мавҳум отларни ясовчи суффиксларни алоҳида гуруҳга ажратиб, улар қаторига **-лик**, **-чилик**, **-в**, **-ш** кўшимчаларини киритади.<sup>23</sup> Масалан, **-лик** аффикси от, равиш, сифат туркумига оид сўзлардан от ясайди: оналик, акалик, сингиллик, кексалик, зўрлик, ўзи

<sup>20</sup> Мешков О.Д. Словообразование современного английского языка. –М.: Наука, 1976. –С. 44-45.

<sup>21</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясашиш тизими. –Т.: Ўқитувчи, 2007.

<sup>22</sup> Ҳожиев А. Ўша асар, 83-бет.

<sup>23</sup> Ўша асар, 95-110 бетлар.

бўларчилик, чайқовчилик, қурғоқчилик, хафачилик, бошқарув, танлов, кутлов, караш, бурилиш, қурилиш, қониқиш, тузилиш ва бошқалар.

Отларнинг формал кўрсаткичларидан яна бири уларнинг предлог ва послелог каби ёрдамчи сўзлар билан бирикиб, турли грамматик ва синтактик маъноларни ифодалай олишидир.

Шундай қилиб, отларни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратишда уларнинг формал кўрсаткичлари ҳал қилувчи ўринга чиқиши кузатилади. Биз ҳатто баъзан сўзларнинг маъносини билмасдан туриб, грамматик белгиларга суянган ҳолда уларнинг қайси сўз туркумига суянган ҳолда уларнинг қайси сўз туркумига тегишли эканлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Масалан, Луис Кэролнинг *Through the Looking Glass* қиссасида келтирилган шеърдан бир парчасини ўқийлик:

Twass brillig, and the slithy toves  
did gyre and gimble in the wabe;  
all mimsy were the borogoves,  
and the mome raths outgrabe

Ушбу парчадаги сўзларнинг қарийиб барчаси ҳеч қандай маънони ифодаламайди. Аммо биз гаплар таркибидаги бирикмаларни грамматик жиҳатдан таҳлил қила оламиз: *brillig* ва *slithy* сўз ясовчи қўшимчаларига қараб сифат туркумига киритилса, *toves* кўплик қўшимчасини олаётган от сифатида қаралади, шунингдек, *gyre* ва *gimble* унсурлари феъл туркумидан ўрин олади.

Бизнингча, сўзларни туркумлашда уларнинг семантик хусусиятларини тамоман инкор этишнинг иложи йўқ. Сўз туркумлари, формал кўрсаткичлари билан бир қаторда, улар воситасида ифода топаётган маъно хусусиятлари билан ҳам ўзаро фарқланадилар ва бундан от туркумидаги бирликлар истисно эмасдирлар.



## БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР

1. Тилшунослик тарихида сўзни тасниф этиш каби чигал ва кўп муҳокама қилинган масала бўлмаса керак. Ҳиндистонлик Панини, юнон Арасту ва араб тилшуноси Сабавайх даврларидан бошлаб ҳамма, бу мавзу устида бош қотириб келмоқда. Зеро, сўз маъновий ва грамматик бутунлик сифатида ҳар бир тадқиқотчидан унинг табиатини аниқлаш, шунга қараб лексик ва грамматик тавсифлашни талаб қилади. Бундай тавсифга сўзлардаги бевосита ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш ҳамда таснифлаш йўли билан эришиб бўлади. Шунинг учун сўзларнинг таснифий белгиларини ўрганиш ва уларни лексик-грамматик гуруҳларга ажратиш ҳар бир давр тилшунослик учун муҳим муаммо бўлиб қолаверади.

2. Тил тизимида луғавий birlikларнинг барчаси семантик, синтактик ва морфологик белгиларга эга бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун сўзларнинг тизимда тутган ўрни, моҳияти аниқланар экан, уларнинг худди шу уч белгисига эътибор бериш керак бўлади. Сўзларни туркумлашга оид таснифда эса бу белгилар умумлаштирилади. Чунончи, инглиз тилидаги book ва ўзбек тилидаги “китоб” –маъновий жиҳатдан мустақил сўз типи, атовчи лексема типи, от туркумидаги конкрет от тури. Бу сўз – “фан-маданият” тематик (мавзу) гуруҳига мансуб лексема; синтактик жиҳатдан боғланувчи, мучаланувчи, синтактик вазифаси чекланмаган лексема. Унинг морфологик белгилари ўзгарувчанлик ва сонланувчанликдан иборат.

3. Сўзларни туркумий таснифлаш имкониятлари тилнинг яхлит система эканлигини яна бир бор далиллайди. Тил тизимида маълум гуруҳдаги ҳодисалар фарқланишида алоҳида сатҳдаги фарқловчи белги билан чекланиб, бошқа сатҳларга мурожаат қилиб ўтиришга эҳтиёж йўқолади. Шу сабаб от, сифат, сон, феъл каби туркумлар морфологик жиҳатдан фарқланар экан, семантик ва синтактик белгиларнинг яқинлиги изланади.

4. От (nomen, substantive, noun) – бошқа сўз туркумларидан тубдан фарқ қиладиган, ўз грамматик-семантик хусусиятлари билан феъл ва бошқа турдаги сўзларга қарама-қарши турадиган сўз туркумидир. Бундай қарама-қаршилик нафақат семантик, балки формал ва функционал кўрсаткичларга эга. Отларнинг энг фарқли хусусияти, уларнинг барчаси ягона умумграмматик маънога эга бўлишида кўринади.

5. От туркуми предметлик маъносига эга бўлганлиги сабабли нарса-предметларнинг сони, миқдорини кўрсатади ва сон категорияси кўшимчаларини олади. Бирлик ва кўплик сонлари қарама-қаршилигини ифодаловчи отлар структура жихатидан бошқа сўзларга ҳам ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади, бошқача айтганда, от билан бирикаётган феъл ва олмошлар сон категорияси доирасида ўзаро мослашадилар.

Отларнинг яна бир морфологик-структур кўрсаткичи уларнинг артикль билан бирикишида намоён бўлади. Бошқа туркумга оид сўзларнинг от туркумига кўчишида айнан артикль субстантивация ҳодисаси юз бераётганлигини исботловчи бирликка айланади.

## II БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА СТРУКТУР ТУЗИЛИШИ

### 1.1. ОТЛАРНИНГ СЕМИОЛОГИК ВА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Отларни алоҳида туркумга ажратишда олимлар сўзларнинг семиологик белгиси ва семантик хусусиятларини инобатга олишни тавсия қиладилар. Олимларнинг асосий қисми отларнинг умумий маъноси сифатида “предметлик” ёки “субстанциаллик”ни танлаш тарафдоридир. Лекин отлар ҳаракат (ўйин, югуриш, ўқиш), ҳолат (касаллик, уйку, тушкунлик), жараён (сўраш, суҳбат, чизиш), нарсаларнинг сифати, белгиси (чирой, узунлик, қоронғилик) каби бошқа маънолар ифодаси учун ҳам хизмат қиладилар. Сўз туркумларига ўзаро кўчиш хусусияти хос бўлганлиги учун уларнинг грамматик маъносини аниқлаш қийин. Шу жумладан, “предметлик” маъносини баъзилар лексик маъно сифатида талқин қилсалар, бошқалар уни грамматик ёки мантиқий категориялари қарамоғига беришни маъқул кўрадилар.<sup>24</sup> Айримлар “предметлик”ни бир пайтнинг ўзида лексик ва грамматик маънолар сифатида талқин қилишдан ҳам қайтмайдилар.<sup>25</sup>

Маълумки, инглиз тилидаги *love, beauty, freedom, greatness* ва ўзбек тилидаги “севги”, “чирой”, “озодлик”, “буюклик” каби лексемалар мавҳум тушунчаларни атайдилар. Худди шунингдек, “югуриш”, “юриш”, *breakage, removal, acceptance, garine* каби отлар мустақил мавжуд бўлган предметларни эмас, балки ҳаракатни ифода қиладилар. Отларнинг бирор бир ҳаракатни, белгининг эгаси, яъни субстанцияси бўлишидан ташқари, мавҳумлаштирилган ҳаракат, белги, муносабатларни ҳам атай олиши барча

---

<sup>24</sup> Қиёсланг: Есперсен О. Философия грамматики. –М., 1958; Слюсарева Н.А. Проблемы функциональной морфологии. –М.: Наука, 1986 ва бошқалар.

<sup>25</sup> Huddleston R. Introduction the Grammar of English. –Cambridge: CUP, 1995.

тиллар учун умумий, унверсал ҳодиса бўлиб, бундай маънога эга отлар грамматик жиҳатдан предметлик хусусиятини касб этадилар. Ушбу гуруҳдаги отлар гап таркибида предмет маъносини ифодаловчи бирлик сифатида иштирок этадилар. Америкалик тилшунос У.Чейфнинг фикрича, от туркумидаги сўзларнинг айнан шу хусусиятлари уларнинг “предмет-харакат” (харакат субъекти, объекти, воситаси) ва “предмет - белги” (предметнинг сифати, қарамлиги каби) синтагматик қаторлар ҳосил қилиш имкониятини таъминлайди.<sup>26</sup>

Ушбу гуруҳдаги отларнинг нафақат тушунчаларни номлаш, балки мантиқий мослашув асосида ҳосил бўладиган маъноси турли хилдаги деривацион ўзгаришлар кечишига замин яратади. Мисол тариқасида кўйидаги деривацион ўзгаришлар қаторини келтириш мумкин:

а) морфологик деривация: to kill – killer, боқмоқ – боқувчи (агентив от ҳосил бўлади); to intend – intention, истамок – истак (объект от); to mix – mixer, қирмоқ – қирғич (инструментал от);

б) лексик деривация: to read a document – the document reads – a reading of the document;

в) синтактик деривация: болалар қувноқ – қувноқ болалар – қувноқлар.

Келтирилган мисоллар гувоҳлик беришича, от туркумидаги сўзлар икки хил семиологик вазифани бажариш қобилиятига эга бўлишиб, улар нарса-ҳодисаларни аташ билан бир қаторда, уларга тавсиф бериш вазифасини ҳам ўтайдилар. Ушбу вазифаларнинг ягона бир бирлик зиммасига тушиши ўзига хос предикатив ва атрибутив бирикмалар таркиб топишига сабаб бўлади. Тилшунос А.Раҳимов, рус олимлари Ю.С.Степанов, Л.Н.Мурзинларнинг фикрларига таянган ҳолда, сўзларнинг

---

<sup>26</sup> Chafe W. Meaning and the structure of language. –Chicago, 1970. –P. 63.

туркумлараро кўчиш ёки парадигматик ўзгаришлар юзага келишини лисоний деривация ҳодисасига дахлдор эмас, деб ҳисоблайди.<sup>27</sup>

Отларнинг маъновий белгиларини аниқлаш ва уларни семантик гуруҳлаш масаласи билан тилшунослар узоқ пайтлардан буён машғул бўлиб келаётганликларига қарамасдан, бу борада билдирилаётган фикрлар турли-туман, маъно бўлакларини ажратиш меъёрлари кўпинча бир-бирига мос келмайди.

Сўз туркумларини фарқлашда анъанага биноан учта асосий меъёрга – сўзнинг семантик табиати, унинг бажарадиган вазифаси ва гап таркибида эгаллайдиган ўрнига таяниладиган бўлса, отлар туркумининг ички тақсимотида тилшунослар бир-бирига мос келмайдиган тамойилга асосланиб иш кўрадилар:

1) оламдаги предмет-ҳодисаларнинг предметлик хусусиятининг белгиланиши;

2) лисоний бирлик маъносининг тури.

Ушбу тамойиллар қўлланишида отларнинг илк семантик таснифи “конкрет” ва “мавҳум” отлар кўринишини олади. Айни пайтнинг ўзида ушбу гуруҳлардаги отларни бир-биридан фарқлаш омили аниқ эмас, улар ўртасига қўйиладиган чегара нисбийдир. Баъзилар отларнинг у ёки бу гуруҳга тақсимотининг меъёри сифатида уларнинг воқеликни номлаш жараёнида юзага келадиган номинатив маъносини танлашни таклиф қиладилар. Бошқа гуруҳдаги тадқиқотчилар эса сўз семантикасини денотатив маънони ажратиш асосида ўрганиш уларнинг лингвистик таҳлили учун унчалик даражада етарли эмаслигини ва денотатив маъно

---

<sup>27</sup> Раҳимов А. Лексик ва семантик деривация муаммолари. –Т.: Навруз, 2011. Б. 146; Қиёсланг: Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М.: Наука, 1975. –С. 142; Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. –Пермь, 1984. – С.47.

кўпроқ тил бирликларининг мантикий мундарижасига оид эканлигини таъкидлайдилар.<sup>28</sup>

Албатта, тил тизимида мавжуд бўлган минглаб от туркумига оид сўзларнинг маъно хусусиятларини бирхилда тавсифлаш, ишонарли меъёр ва метод яратилмаганлиги сабабли, ўта мушкул вазифа. Бу вазифанинг мушкуллиги, шунингдек, ифодаланаётган предметларнинг воқеликдаги муносабатлари ҳам кўп қиррали, мукамал табиатга эга эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Отларнинг маъно хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, энг аввало, уларнинг номинатив бирликлар қаторида тутган ўрни ва нутқий тизилмалардаги иштирокида фаоллашадиган денотатив маъноларни фарқлаш лозим. Биринчи ҳолатда денотат – аталиш объекти сифатида воқеликдаги предмет (ёки предмет синфи) ҳақидаги умумлашган тушунчалардир, иккинчисидан эса денотат лисоний белгининг нутқий жараёнда предмет билан муносабатга кириши, яъни ўз референти билан боғланиши.<sup>29</sup>

Лисоний бирликлар семантик структурасининг яна бир ташкилий қисми бўлган сигнификат эса турли кўринишларда намоён бўлади:

1. Сигнификат – денотатдан фарқли ўлароқ, маълум бир тушунчанинг тўлиқ мундарижаси сифатида намоён бўлади. Масалан, city, wind, book, қишлоқ, ёмғир, китоб каби яқка кўринишдаги ёки конкрет нарса-ҳодисаларнинг аталишида.

2. Юқори даражада мавхумлашган, умумлашган ва предметлик тасаввурига зид турмайдиган тушунчалар номланишида: coldness, calmness, қоронғулик, фаоллик, етуклик кабилар.

---

<sup>28</sup> Нурмонов А. Лексеманинг мазмуний мундарижаси // А.Нурмонов. Танланган асарлар. –Т.: Академнашр, 2012. –Б. 199-159; Keller R. A Linguistic Theory of Sign. –Oxford: OUP, 1998.

<sup>29</sup> Қаранг: Никитин В.М. Основы лингвистической теории значения. –М.: Высшая школа, 1988. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Мумтоз сўз, 2010.

3. Тафаккур категорияларини ифодаловчи умумлашган, мавҳум тушунчаларнинг лисоний воқеланишида: event, quality, quantity, ходиса, сифат, миқдор кабилар.

4. Турли соҳаларга оид атамалар, металингвистик тушунчалар.<sup>30</sup>

Тушунчавий мундарижаси тор бўлган луғавий бирликларда предметлик тасавури, яъни денотат сигнификатга нисбатан муҳимроқ ўринга чиқади, албатта. Бундай луғат бирликлари – номинатив вазифани бажаргани учун уларнинг маъноси денотатив характерга эга.

Тушунчавий муносабатда юзага келадиган сигнификат денотатдан устунлик қилган тақдирда лисоний белги соф сигнификатив маънога эга бўлади ва мавҳум тушунчаларни аташ учун хизмат қилади. Шунинг билан биргаликда, тил тизими ва воқеликда қатъий чегараланган предметлик ҳудудлари ажратилмаслиги сабабли, сўзларни у ёки бу турга ажратиш катта қийинчиликларни туғдиради. Шундай бўлсада, от туркумидаги сўзларни семиологик-семантик гуруҳларга тақсимлаш талаб қилинади.

Одатда, денотатив маънога эга бўлган сўзлар конкрет отлар гуруҳига киритилса, сигнификатив ва сигнификатив-денотатив маънони ифодаловчи сўзлар мавҳум отлар гуруҳидан ўрин олади.<sup>31</sup> Биринчи гуруҳдаги отлар қаторига икки хил, яъни номинатив ва сигнификатив вазифаларни бажарувчи сўзлар киритилади. Ушбу гуруҳдаги отлар маъносининг негизида ифода объекти бўлган предмет ҳақидаги тушунча ва предметларнинг фарқли хусусиятларини ифодаловчи тушунча – сигнификат туради.

Сезги аъзоси воситасида сезиш мумкин бўлган предметни атовчи отлар тил тизими луғат бойлигининг асосий қисмини ташкил қилади. Конкрет ёки бошқача аталиши “муайян” атамасини олган ушбу турдаги

---

<sup>30</sup> Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқи муаммоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 6-сон. –Б.34-40.

<sup>31</sup> Уфимцева А.А. Лексическое значение. –М.: Наука, 1986; Собиров А. Ўзбек тили лексик қатламини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ қилиш. –Т., 2004.

отларни, категориал белгиларидаги фарқларга нисбатан, бир қатор тематик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Модданинг номи: water “сув”, gold “олтин”, sand “қум”, silver “қумуш”, etc.

2. Шахс номи: girl “қиз бола”, teen-ager “ўсмир”, mother “она”, father “ота”, etc.

3. Буюм номи: pencil “қалам”, book “китоб”, spoon “қошиқ”, carpet “гилам”, key “калит”, etc.

4. Ўсимлик номи: tree “дарахт”, tulip “лола”, plant “ўсимлик”, root “илдиз”, etc.

5. Ўрин-жой номи: village “қишлоқ”, city “шаҳар”, desert “саҳро”, mountain “тоғ”, valley “воҳа”, etc.

6. Миқдор номи: feet “фут”, ton “тонна”, kilo “кило”, couple “жуфт”, etc.

7. Ташкилот ва муассаса номи: school “мактаб”, office “идора”, shop “дўкон”, market “бозор”, etc.

8. Вақт-пайт номи: day “кун”, season “мавсум”, morning “эрта”, evening “кеч”, night “тун”, etc.

Ушбу тематик гуруҳлар ички бўлинишга учраб, янада кичикроқ гуруҳларга ажратилади. Масалан, шахс тавсифи номлари қаторига луғавий-маъновий тўдаларга тақсимланадилар:

а) шахсни ёш жиҳатидан тавсифловчи отлар гуруҳи: teenager, girl, boy, чол, ўспирин, ўсмир, қизча, чақалоқ қабилар;

б) шахсни қариндошлик жиҳатидан тавсифловчи луғавий-маъновий гуруҳи: mother, father, grandmother, sister, brother, ота, она, эгачи, сингил, буви ва бошқалар;

в) шахсни касб жиҳатидан тавсифловчи сўзлар гуруҳи: worker, reader, teacher, waitress, сувчи, мироб, деҳқон, даллол, ўроқчи қабилар;



г) шахсни истиқомат жойи жиҳатидан тавсифловчи сўзлар: britisher “британиялик”, westerner “ғарблик”, muscovite “москвалик”, Japanese “япониялик”, pakistani “покистонлик”, ва бошқалар;

д) шахсни ташқи кўриниши жиҳатидан тавсифловчи сўзлар: hump “букри”, blind “кўр”, “новча”, “пакана” кабилар;

е) шахсни руҳий ҳолати жиҳатидан тавсифловчи сўзлар: жинни, довдир, эзма, овсар кабилар;

д) шахсни ижтимоий жиҳатдан тавсифловчи луғавий-маънавий гуруҳ: бой, камбағал, хасис, зикна.

Мавҳум отлар турли нарсада мавжуд бўлган бир хил ёки ўхшаш сифатни бир алоҳидалик тарзида ифода этадилар. Масалан, apple “олма”, melon “қовун”, sugar “шакар”, honey “асал” отларининг мавҳум сифат белгиси “ширинлик” бўлса, “ширинлик” мавҳум отида маълум бир нарсада мавжуд бўлган умумий белги бир алоҳидалик сифатида берилади. Шунинг учун муайян ва мавҳум отнинг фарқли тамони фақат уларнинг ҳақиқий (китоб, олма, эшик) ёки хаёлий (севги, ишқ, ширинлик), умумий якка ҳодисани ифодалашида эмас, балки белги, сифат маъносининг қай усулда талқин этилишида.

Ифодаланаётган предметлик майдони, яъни денотат сўзнинг лексик маъносини тўлиғича шакллантирганида, отларнинг категориал семаларига нисбатан гуруҳлаш уларнинг семиологик хусусиятларини тавсифлаш учун етарли бўлар эди. Лекин категориал семантик белгилар тўплами сўзнинг номинатив қийматини белгилашдан кўра, унинг синтагматик имкониятларини шакллантиради. Шу сабабли семантик гуруҳлантириш отларнинг бошқа сўз туркумларига қарашли бирликлар (масалан, сифат ва феъл) билан бирикишини аниқлаш учун муҳимдир.

Бундан ташқари, отларнинг лексик маънолари ҳеч қачон ўз денотатив-сигнификатив хусусиятларини йўқотмайдилар ва денотатлар ўртасидаги фарқ парадигматик муносабатларни ҳосил қилиб, семантик синонимлар сифатида намоён бўладилар. Синонимлик муносабатлар

кўпгина ҳолатларда турли тилларда турлича лисоний воситалар кўлланишида ифода топадилар. Қиёсланг:

Ўзбек тилида: **дарахт: арча, мол, чинор.....**

Инглиз тилида: **tree: birch-tree, pine-tree, fir-tree, etc.**

Шунингдек, конкрет, саналадиган, жонсиз предметларни атовчи отлар гуруҳидагиларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда “конкрет” ёки “муайян” эмас. Отларнинг предметлик ва мантиқий боғлиқлиги таҳлили уларнинг фақат бевосита номинатив маъносини аниқлаш учун зарур. Отларнинг семантик деривация имкониятлари эса турли гуруҳларда бир хил эмас.<sup>32</sup> Масалан, ўсимликлар, иншоатлар, асбоблар номлари, бир тамондан, терминларга яқинлашса, иккинчи тамондан, атоқли отларга ўхшаб кетади (қиёсланг: nuclear physics – nuclear physics laboratory ; **нефт ва газ институти, лойиҳалаш маркази** ва ҳақоза).

Гавда қисмлари, кийим-кечак, озиқ-овқатларни номловчи отлар кенг кўлланишда бўлганлиги сабабли, уларнинг семантик мундарижаси ҳам кенгайиб боради. Масалан, eye “кўз”, head “бош”, hand “қўл”, month “оғиз”, heart “юрак” каби лексик бирликлар номинатив маъноларга нисбатан конкрет, муайян нарсаларни атасаларда, турли метафорик, метоним жараёнларда иштирок этиб, мавҳум ясама маъно ифода эта бошлайдилар.

Таҳлил қилинаётган отлар гуруҳида табиат ҳодисаларини ва воқеликдаги алоҳида, ягона предметларни атовчи сўзлар (**куёш, ой, осмон, коинот, шамол, ёмғир** кабилар) ҳамда предметларнинг физик ҳаракатларини ифодаловчи сўзлар (**товуш, ҳуштак, ёруғлик, ғавур-ғувур, саъдо** кабилар) алоҳида тавсифга лойиқ. Ушбу отларнинг бошқа гуруҳдагилардан фарқи денотатнинг ўзига хослигида кўринади. Ягона нарса-ҳодисалар идроки асосида юзага келаётган денотат маъно структурасининг сигнификат қисмига мос келади, чунки бундай

---

<sup>32</sup> Бу ҳақида қаранг: Никитевич В.М. Основы номинативной деривации. Минск, 1985. –С. 116; Раҳимов А. Лексик ва семантик деривация . Б. 100.

номинатив фаолиятда денотат алоҳида, ягона ҳодисалар ҳақидаги тушунчани такрорлайди. Шу сабаб ушбу турдаги отларнинг маъноси сигнификатив-денотатив хусусиятга эга ва уларни шартли равишда “конкрет – мавҳум отлар”, деб аташ мумкин.

Худди шундай семиологик хусусиятга кенг маънога эга бўлган инглиз тилидаги *thing, way, fact, point, line, base, article, side, object, matter* ҳамда ўзбек тилидаги **нарса, предмет, иш, йўналиш, майдон, режа** каби сўзларнинг қўлланиш кўлами кенг.

Кенг маъноли сўзлар қатор предметларга хос бўлган қандайдир бир умумий белгини ифодаладиган ва ўз семантик моҳиятини йўқотиш чегарасида турадилар. Бошқа семиологик гуруҳларга яқинлашаётган ушбу отлар баъзан олмошга хос вазифани бажарадилар. Аммо ушбу гуруҳдаги отлар нутқий фаолият жараёнида ўз референтига сигнификатив – денотатив кўринишда сақланишини эътироф этишга мажбурмиз.<sup>33</sup> Мисол тариқасида таркибида ушбу турдаги кенг маъноли отлар қўлланилаётган инглиз ва ўзбек тилдаги бирикмаларни қиёслашимиз мумкин:

To arrange things “ишни ҳал қилмоқ”;

To hare things straight out “аҳволни тузатмоқ”;

To sell things “нарсаларни сотмоқ”;

Things are they are “ишнинг аҳволи шу”.

Келтирилган бирикмаларда *thing* отнинг қўлланиши уларнинг фаол маъноси ҳақида тасаввур уйғотсада (қиёсланг: *personal things* “шахсий нарсалар”, *memorable things* “эсда сақланадиган нарсалар”), лекин бу лисоний бирликнинг референти фақат контекстда аниқ бўлади. Масалан: *Those are things we cannot alter* “Бу – биз ўзгартира олмайдиган нарса (аҳвол)”; *Take the thing away!* “Буни йўқотинг!”.

Жонсиз саналмайдиган предмет, моддаларни атовчи отлар сон жиҳатидан кам бўлиб, уларнинг маъно хусусиятлари бир хил кўринишга

---

<sup>33</sup> Ҳақимова М. Семасиология. –Тошкент, 2008; Palmer F.R. Semantics. A new outline. М., 1982.

эга. Ушбу гуруҳдаги отларнинг денотатив асосини қисмларга ажралмайдиган моддалар, материаллар ҳақидаги тасаввур ва тушунча ташкил қилади. Бу қатордаги отларнинг кўпчилиги терминлар қаторига яқинлашади, аммо water, iron, steel, gold, silver каби айрим сўзлар турли метафорик ва метономик кўчимларга учраши натижасида кенг миқёсда кўлланиш имкониятига эгадирлар.

Маълумки, отлар бирлик сони шаклида бир турдаги предметнинг ўзини ёки предмет тўдасини ифодалашига кўра яқка от ва жамловчи от гуруҳларига ажрадилар. Жамловчи отлар, ўз навбатида, денотатларнинг хусусиятларига кўра икки синфга тақсимланадилар: 1) денотат қандайдир хусусиятлар умумийлиги асосида фарқланадиган шахслар гуруҳи ҳақидаги тасаввурдан иборат: family “оила”, party “партия”, brigade “бригада”; 2) денотат – ифодаланишни тавсифламайдиган умумий тушунча: poverty “камбағаллик”, freedom “озодлик”, etc.

## 2.2 АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ГРАММАТИК ШАКЛЛАРИ

Сўз туркумларини ажратишнинг муҳим мезонларидан бири – улар таркибидаги birlikларнинг у ёки бу грамматик шаклларига эга бўлишидир. От туркумидаги сўзларнинг асосий хусусиятларидан бири – сон категориясига эгалигидир. Аммо отларнинг сон категориясига тобелиги бир хил кўринишга эга эмас. Отто Есперсен, хўп сон маъно хусусиятлари ҳақида гапириб, сон категориясининг уч хилда намоён бўлишини кўрсатиб ўтган эди: 1) одатдаги кўплик: horse + the other horse + the third horse (horses); 2) тахмин қилинаётган кўплик: We this is not me (I + I + I ....); 3) юқори даражадаги birlik – nobility, crew, flock, etc.<sup>34</sup>

Одатда, сон категориясининг мазмуни кўп миқдордаги предметларнинг алоҳида бир предметга қарама-қарши қўйилиши сифатида талқин қилинади. Буни, масалан, қуйидаги схемада тасвирлаш мумкин:  $IN$  кўп =  $A_1 + A_2 + A_3 + \dots + A_n$ , яъни books = a book + the other books. Шу сабаб, А.И.Смирницкий кўплик сонини “бирлик сонда ифодаланган предметнинг сон жиҳатидан кўпайиши” деб таърифлашни маъқул кўрган эди. Бу эса, отлар асосан сон жиҳатидан чексизликка, ноаниқликка ишора қилинишидан гувоҳлик беради.

С.Д.Кацнельсон сон категориясига кўп вазифавийлик хос эканлигини, унинг ҳар бир маъноси нутқий фаолият жараёнида маълум бир вазифада намоён бўлишини қайд этган.<sup>35</sup>

Шунинг билан биргаликда бу олим антрапонимлар маъноси аниқ бўлганлиги боис нутқ жараёнида кўплик шаклини олишлари шарт эмаслигини кўрсатиб ўтади. Бу турдаги отлар кўплик сонини олишганда

---

<sup>34</sup> Есперсен О. Философия грамматик. –М., 1958.

<sup>35</sup> Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. –Л.: Наука, 1972. –С. 28-31.

лексик маънодаги кўзғалиш сезилади: **Ломоносовлар** “Ломоносов сифат ақилли кишилар”.<sup>36</sup>

Нутқ жараёнида атоқли отларнинг маъно ўзгаришларига учраши махсус ўрганилган.<sup>37</sup> Ушбу турдаги кўчишлар тил ва нутқ қарама-қаршилигини акс эттирса керак. Тил тушунчаси меъёр ва тизимни камраб олади. Тил тизими кўпчилик тамонидан мавҳум тузилиш сифатида қаралиб, тилнинг мавжудлигини акс эттиради, унинг фаоллашуви инобатга олинмайди. Меъёрнинг мавҳумлиги бироз пастроқ ва тилнинг одатий фаоллашув ҳолатларини инобатга олади. Меъёр тизимни чегаралаб туради ҳамда лисоний белгининг денотат билан боғлиқ жиҳатларини кўрсатиб туради.

Грамматик категориялар аналитик ҳолда синтетик-морфологик кўринишларда ифода топадиган тиллардаги фарқ маълум бир қолип (модел)нинг воқеланишида кўринади.

Айрим лексик-семантик гуруҳларга оид отларнинг кўплик сон ифодасидаги хусусиятларини қиёслаб кўрамиз. Бунда И.В.Ариольд тамонидан таклиф қилинган таснифга мурожаат қиламиз.<sup>38</sup> Бу тасниф кўйидаги кўринишга эга: 1. Атоқли ва турдош от. Бундай гуруҳланиш семантик мезонга таянади, яъни турдош отларнинг маъноси аниқлиги ва атоқли отларнинг маъноси номаълумлиги; 2. Денотатнинг аниқ ёки мавҳумлигига нисбатан ажраладиган муайян (конкрет) ва мавҳум отлар; 3) Муайян отларнинг ягона ва кўпчилик турлари: table / tables – the moon; 4) Охирги турдаги отлар моддий ёки мавҳум денотатли бўлиши мумкин; 5) Муайян отларнинг денотати тирик ёки акси бўлиши мумкин (a man, wolf - stone); 6) Тирик денотатлар ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсига оид бўлади;

---

<sup>36</sup> Ўша асар, 31-бет.

<sup>37</sup> Щетенин Л.М. Переход собственных имен в нарицательные как способ расщарения словарного состава языка (на материале английского языка). АКД. –М., 1962.

<sup>38</sup> Арнольд И.В. Семантическая структура слова в современном английском языке и методика её исследования. –Л., 1966. –С. 104-105.

7) Кейинги таксимотда ҳайвонлар ва инсонлар фаркланади; 8) Инсон гуруҳига оид отлар жамоавий ва ягоналик маъноларига эга.

Атоқли отларда кўплик маъносининг ифодаланиши масаласи кам ўрганилган соҳа. Кўпчилик тадқиқотчилар атоқли отларнинг кўпчилик сон маъносига эга бўлишини батамом инкор этадилар. Х.Суний, А.Гардиниер каби инглиз олимлари жамовий атоқли отлар мавжудлигини тан оладилар. Уларнинг фикрича атоқли отлар кўплик сонда қўлланилганда, бунда кўплик яқкалик мазмунида қабул қилинади. худди шу фикрни П.Кристоферсен ҳам қўллаб-қувватлайди: “Атоқли от ҳеч қандай тўсиқсиз кўплик сонда қўлланиши мумкин, лекин бунда у яқкалик маъносига эга бўлади”. Масалан : The United States, the Alps, Athens, Broadstairs, Niagara Falls. Аммо бунда Alps – ягона географик ўринни эгалаган тоғлар қаторидир.<sup>39</sup>

Х.Сёренсен эса, the Andes шаклини кўплик сони деб ҳисобламайди, чунки унинг бирлик сони (the Ande) йўқ. Шунингдек, The United States атоқли отининг кўплик сони шаклига эга эканлигини инкор этиш қийин масала, бироқ Х.Сёренсен The United States ни атоқли отлар қаторига киритмайди.<sup>40</sup>

Атоқли отлар структур тузилиши жиҳатида ўзаро фарқ қиладилар, яъни улар оддий (Watson, Churchill, Shakespeare, London, Italy etc) ва мураккаб (the Ford Foundation, the Washington Post, Oxford Street, Westminster Bridge, etc) тузилишида бўладилар.

Инглиз фамилияларининг кўплик шаклини кўриб чиқайлик. Масалан, the Tumberleys атоқли оти аниқ артикль ва кўплик сони шаклига эга. Аниқ артикль қўлланишининг шартлиги Tumberleys шаклининг мавжудлиги билан изоҳланади. Ушбу икки шакл ўртасида семантик фарқ бор: the Tumberleys маълум бир оилага ишора қилади, лекин Tumberleys артикльсиз қўлланилганда маълум бир белги-хусусиятга эга бўлган

---

<sup>39</sup> Christophersen P. The Articles. London, 1939. P.64-65.

<sup>40</sup> Sorensen H. Word classes in Modern English.

шахсларни англатади ва бу –атоқли отнинг турдош отлар қаторига кўчиши натижасидир. Сўзловчи Тимперли номини айтаётганида ушбу оила аъзоларининг бир-бирига ўхшашлиги, уларнинг ташқи кўринишидаги умумийликнинг унинг учун ҳеч қандай фарқи йўқ.

the Tymperleys оиласи худди бошқалардек бир неча кишидан иборат, масалан, отаси –John, онаси –Mary, ўғли –Edward, қизи –Christina. Бу оила Tymperleys 1+ Tymperleys 2+ Tymperleys 3 лардан иборат эмас. Демак, атоқли отлардан кўплик шакли –бир турдаги кўплик эмас.

Мажмуавий атоқли отларнинг жамоавий отлар билан боғлиқлиги аниқ кўринадди. Cattle, police, flock каби отлар бирдан ортиқ предметларни ифодаладилар ва турли-туман мажмуага эгадирлар. Бу турдаги грамматик род категорияси яширин ифодаланади. Бинобарин, police сўзининг грамматик маъноси қуйидаги белгиларга эга: кўплик сон, женский ва мужской родлар. Ушбу грамматик маънолар структур ифода топмаганлиги боис, ажратилаётган грамматик категорияларни сўзнинг лексик маъноси таркибига қиради деб ҳисоблаш мумкин. Аммо юқоридаги отларнинг the Tymperleys туридаги атоқли отлардан фарқлаш лозим. Бу фарқ, биринчи навбатда, формал кўринишда бўлади: flock, Cattle каби жамловчи турдош отлар кўплик сон кўшимчасига эга эмас, атоқли отлар эса кўплик сон шаклини ясайдиган кўшимчани олади: the Tymperleys. Олдинги қатордаги отлар кўплик кўшимчасига эга бўлганида одатдаги отлар мазмунини оладилар: two flocks “икки қатор”.

Мавҳумлаштириш амалига риоя қиладиган бўлсак, John – ноль мавҳумлигида, book – биринчи босқичдаги мавҳумликда, police – иккинчи босқичдаги мавҳумликда. Улар ўртасида маълум семантик фарқлар ҳам кузатилади. Жамоавий турдош отларда (police) ифодаланаётган денотатлар жинси ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Авлод тушунчаси ҳам иккинчи даражали. Полиция, ҳукумат эркак ва аёллардан иборат бўлиши мумкин. Шу сабабли, сўзловчи учун government бир хил аъзоларни қамраб олади. Агар денотатнинг жинсини кўрсатишга эҳтиёж туғилса, сўзловчи лексик



воситаларга мурожаат қилади. Масалан, A cattle appeared in the distance “Узоқда пода кўринди” гапани талаффуз қилаётган шахс хайвонларнинг бирдан ортиқ эканлигини назарга тутиб, уларнинг жинси масаласи билан қизиқмайди.

Умуман, атоқли от бир хил предмет ёки ҳодисаларнинг бирини ажратиб кўрсатишга хизмат қиладиган иккиламчи от.<sup>41</sup> Масалан “бола”, “a child” предметининг умумий ва бирламчи номи. Pete ёки Лола ана шу бир хил шахслардан бирини ажратиб кўрсатиш учун хизмат қиладиган иккиламчи ном. Атоқли отларнинг катта қисми турдош отлардан ясалган: Асал, Дилшода, Анор. Шунингдек, феъл ва сифат сўз туркумлари ҳам атоқли отлар учун асос бўла оладилар: Сотиболди, Ўлмас, Турди; Ширин, Буюк, Азиз, Улуғ. Атоқли отларнинг турдош отлардан фарқи грамматик мазмунига ҳам эга бўлиши юқорида айтилди. Буни, айниқса, атоқли отларнинг кўплик шаклини олишда кўрамиз. Масалан, **Фарходлар келади канал қазмоққа** гапида **Фарходлар** бўлаги бутунлай бошқа луғавий-стилистик маънони ифодалайди.

Шунинг билан биргаликда, масалан, рус тилидаги **к нам придут сегодня Петровы** гапидаги “Петровы” бўлаги турлича тушинилиши мумкин. Биринчидан, “эгизак Николай ва Иван Петровлар” маъноси назарга тутаётган бўлса род маъноси воқеланиши мажбурийдир.

Худди А.И.Суперанская айтганидек, pluralia tantum шаклидаги the Alps кабилар бирлик сонида қўлланилмайди. Бу отлар бирлик шаклини олганларида луғавий жиҳатдан бир-бирларига мос келмайдилар. Бирлик сон сўз ўзгартирувчи қўшимчани ўз-ўзидан олиб ташланиши натижасида эмас, балки бошқа сўзлар воситасида ифодаланадилар. Масалан, **Шотландская острова** нинг бирликдаги муқобили **Унст ороли**, Фетлар,

---

<sup>41</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2010. Б. 217.

Елл, Мейнланд кабилардир.<sup>42</sup> Шунингдек, Қора ва Касбий денгизлари оралиғидаги Эльбрус, Казбек ва бошқа тоғлар умумлашмаси **Кавказ тоғларини** ташкил қилади. Демак ономастик терминларнинг ҳосил бўлиши кўпинча денотатнинг ижтимоий аҳамияти, алоҳида гуруҳдаги шахслар нуқтаи-назари билан боғлиқ ҳодисадир.

Атоқли отлар кўплик сонинг яна бир хусусиятига эътибор қаратиш лозим. Бу отлар чегараланган микдордаги денотатларни атайди. Турдош отлар кўплиги чексиз:  $table = table_1 + table_2 + table_3 + table_3 + table_4 + table_n$ , лекин the Alps –ҳар қандай тоғлар бўлмасдан, балки маълум жуғрофий жойлашувдаги тоғлардир. The United States of America – ҳар қандай штатлар бўлмасдан, балки Шимолий Америкада ягона бир давлат таркибидага бириккан штатлардир. Бундан ташқари, ҳар бир штатнинг ўз номи ҳам бор: Washington, Ohio, Illinois, etc. The Temperleys –ҳар қандай одамлар бўлмасдан, балки ягона бир оилага бирлашган шахслар, оила аъзоларининг сони аниқ.

Шунингдек, The Temperleys ва grils шакллари ўртасидаги фарқ ҳам ўзига хос. Grils шаклининг денотати бўлган қизлар ҳам ҳар хил, лекин турдош отда маълум гуруҳдаги предметларнинг умумий белгиларини ифодалайди. Ушбу шаклдаги предметларнинг умумий белгиси – турмушга чиқмаган қиз жинсидаги шахслар.

О.Есперсен юқорида эслатилган асарида “Бизнинг гуруҳимизда учта Жон ва бешта Мэри бор эди” ҳамда “Мен америка Римларининг бирортасида ҳам бўлганим йўқ” гапларини келтиради. Ушбу гапларни куйидагича изоҳлаш мумкин: Бизнинг гуруҳда бешта қиз бор эди. Уларнинг номлари Мэри эди. Бизнинг гуруҳдаги учта Жон ва бешта Мэри бор эди. О.Есперсен келтирган гап –эллипсис тузилишига эга. Маълумки эллипси тежамкорлик воситаси, унинг воситасида тил бирликлари иқтисод қилинади. биринчи гапда “бизнинг гуруҳимизда” бирикмаси Жон ва Мэри

---

<sup>42</sup> Суперанская А.В. Структура имени собственного. М.: Наука, 1969. С. 115.

бирликларини антропонимлар худудига киритади ва “эркак”, “йигит”, “қиз”, “аёл” тушунчалари билан боғлайди ва шу йўсинда **Жон** ва **Мэри** аниқлаштириш вазифасини бажарадилар. У ҳолда атоқли отлар гуруҳидаги John – Johns, Mary – Maries, Фарҳод – Фарҳодлар қатори пайдо бўлишини қандай изоҳлаш мумкин? Бизнингча, атоқли отларда кўплик шаклининг пайдо бўлиши лисоний тежамкорлик тамойилининг фаоллашуви натижасидир. Масалан, атоқли отлар муайян шахсларни атаётганларида кўплик сони худди турдош отлардагидек шаклланади: John – Johns, яъни “John номли эркак жинсига оид йигитлар”.

Атоқли отларнинг кўплик сони шаклида қўлланиши қўшимча маъно бўёқларининг пайдо бўлиши турган гап. Эллипсиснинг ҳар қандай кўринишида сақлаб қолинаётган сўзнинг вазифаси, қиймати ошади ва бу қиймат кўпинча экспрессив мазмунни эгаллайди. Чунки атоқли отларнинг кўплик сони шаклида қўлланишининг ўзиёқ нормадан чиқишдир.

Бошқа турдаги гапларда кечадиган семантик жараёнларни кўйидагича тасаввур қилиш мумкин: Бизнинг қишлоқда элликига нексия бор; Қишлоғимизда элликта енгил машина бор; Бу енгил машиналарни Нексия русимида. Ушбу мисолда ҳам эллипсис юзага келмоқда: “Нексия” русимидаги машиналар → нексиялар.

“Нексия” атоқли оти автомобил тури сифатида қўлланган, яъни атоқли от турдош отга айланмоқда. “Нексия” ва “машина” сўзлари ўртасидаги муносабат тур ва унинг бўлаклари, қисми ўртасидаги муносабатни акс эттиради. Шунингдек, а Ford → fords “Форд → фордлар” кўчимида ҳам шундай ҳолат юзага келади. Атоқли от даставвал тасодифан турдош от сифатида қўлланиб, кейинчалик у худди бошқа турдош отлар каби, кўплик сони қўшимчасини олади.

Атоқли отнинг турдошга айланишида маълум ҳолатларда маъно ифодасидаги экспрессивлик ошади. Қиёсланг: The real war of the world was not between the Bills Davisons and Jean Duvals and Hans Mullers

(R.Aldington, Sacrifice Post). “Ҳақиқий жаҳон уруши Билл Дейвисонлар, Жон Дюваллар ва Ганс Мюллерлар ўртасидаги уруш эмас”.

Ушбу гапнинг мазмуни қуйидагидан иборат: Ҳақиқий жаҳон уруши исмлари Билл Дейвисон, Жан Дювал ва Ганс Мюллер бўлган одамлар ўртасида бўлган эмас. Лекин бу –Билл, Жан, Ганс исмли одамлар урушга қатнашмаган, дегани эмас. Урушга қатнашиш ёки қатнашмаслик алоҳида шахсларнинг исми билан боғлиқ бўла олмайди. Эслатилаётган исмлар бу гапда умумлашма мазмунида, яъни маълум миллатлар вакиллари сифатида қўлланилмоқда, чунки Билл энг кўп тарқалган инглиз исми, Жан – французларники, Ганс –немисларники. Шунга нисбатан бу исмлар турдош отга айланиб, уларнинг синонимларини ҳосил қилади: Билл –инглиз, Жан –француз, Ганс –немис.

Демак, юқоридаги гапни “Ҳақиқий жаҳон уруши оддий инглиз, француз, немислар ўртасидаги уруш бўлган эмас” мазмунида тушиниш керак.

Атоқли отларнинг бу йўсинда турдош отга ўтиши тил таркибини бойитувчи воситалардан биридир. Бунинг исботини биз машҳур шахслар исмларининг турдош от маъносида қўлланишида ҳам кўраимиз: Улуғбеклар, Берунийлар “буюк олимлар”, Навоийлар “буюк шоирлар”, Замахшарийлар “машҳур тилшунослар”, Барчинойлар, Зулфиялар ва ҳакоза. Бундай маъно кўчимларида эмоционал бўёқ кучли бўлади, чунки денотат билан боғлиқлик сақланади. Нутқда улар худди турдош отлар каби изоҳлаш вазифасини сақлайдилар ва кўплик сон кўрсаткичи уларни умумийлик қаторига ўтказди.

Шундай қилиб, сон категорияси фақат турдош отлар учун грамматик моҳиятга эга. Ушбу категория отларнинг турли лексик-грамматик гуруҳларида турли семантик мазмунга эга бўлади. Муайян турдош отларда сон категорияси чексиз мажмуаларни ҳосил қилади. Атоқли отлар гуруҳларида кўплик сон шаклининг пайдо бўлиши, биринчидан, эллипсис

ҳолатларида аниқ денотат ифодаланишида қўлланса, иккинчидан, атоқли отнинг турдош отлар қаторига оккозионал кўчишида пайдо бўлди.

Атоқли отларнинг номинатив вазифаси тўлиқ эмаслигини тилшунослар қайд этиб келмоқдалар. Ушбу гуруҳдаги бирликларнинг энг асосий “камчилиги” уларнинг умумлашган тушунчани ифодалай олмасликларида.<sup>43</sup> Шунинг учун бу бирликларни “ишора, изоҳловчи белгилар” сифатида талқин қилиш ҳолатлари ҳам учрайди.<sup>44</sup> Атоқли отларнинг асосий фарқли белгиси –улар маъносининг денотатив характерга эга бўлишидир, чунки сўз шакли тушунчани четлаб, тўғридан-тўғри аталаётган шахс, предмет билан боғланади.

Атоқли отлар турдош отларга нафақат маъно хусусиятлари асосида, балки сўз шаклининг табиати юзасидан ҳам қарама-қарши туради. Уларнинг моддий тузилиши турдош отларникига нисбатан юқорирак аҳамият касб этади. Айнан бу бирликларнинг формал белгилари уларни бошқаларидан фарқлаш учун муҳим ролни ўтайди. Шунинг учун бўлса керак-ки, А.Гардинлар “алоҳида фонетик мийёр”ни (criterion of distinctive sound) атоқли отларни ажратиш мезони танланган эди. Сигнификат вазифани бажармайдиган атоқли отлар предмет-ходисаларни белги-хусусиятларини умумлаштириш имкониятига эга эмаслар.

Айтилганларнинг барчаси атоқли отларнинг структур хусусиятлари ва грамматик имкониятларининг доираси тор эканлигидан дарак беради. Улар кўламида грамматик категорияларнинг фаоллашув даражаси ҳам паст. Инглиз тили тизими доирасида атоқли отларнинг артикль билан бирикиши ҳолатлари биров бўлса-да диққатни жалб қилади.

Атоқли от турдош отлар туркумига кўчишида ноаниқ артикль билан бирикиши мумкин: Shakespeare (the author) → a shakespeare (an author like S.)

---

<sup>43</sup> Gardiner A. The theory of proper names. –London –New York, 1954.

<sup>44</sup> Ullmann S. Semantics. An introduction into the science of meaning. –Oxford, 2002. P.73.

Худди шу от кўплик шаклини олганида “Шекспирга ўхшаган ёзувчилар” (authors like Shakespear) ёки “Шекспир асарлари нусхалари” (copies of the works of S.) мазмунларини ифодалайди.

Атоқли отлар аниқ артикль олганида партиявийлик (қисмининг бўлаги) маъноси ифодаланиши кузатилади:

During Easter → during the Easter of that year;

In England → in the England of Queen;

In Denmark → in the Denmark of today;

Chicago → the Chicago I like

Топонимлар гуруҳидаги атоқли отлар кўпинча артиклни талаб қиладилар:

The Ruhr, the Saar, the Sahara, the Ukraine, the Crimea, the Lebanon, the Midwest, the Everglades, the Argentina (Argentina шакли артикلسиз қўлланилади).

Жойлар номи артикلسиз ёки артик билан қўлланилишида турлича маъно англатилиши мумкин: London Road –кўчанинг номи, лекин the London Road – Лондонга олиб борадиган йўл.

Университетлар жойлашган ўрнига нисбатан номланган икки хил шакл юзага келади: the University of London = London University. Ўқув юртларига шахсларнинг номи биргаликда эса артикль учрамайди: Yale University, Brown University.

Турдош отлардан атоқли отлар ясалаётганида, уларнинг фарқини белгилаш учун баъзи ҳолатларда артикдан фойдаланилади. Масалан: The Guardian, The Times (газеталарнинг номи), the Suez Canal, the Ford Foundation, the British Broadcasting corporation (BBC), the House of Commons, the Institute of Psychiatry, the District of Columbia, the Bay of Biscay, the Cambridge College of Arts and Technology.

Баъзан мураккаб тузилмали атоқли отларнинг бирор қисми тушиб қолиши мумкин ва бундай ҳолатларда эллипсис шакл артикль билан

бирикади: Tate Gallery → the Tafe; Atlantic Ocean – the Atlantic; Mermaid Theatre → the Mermaid; River Thames – the Thames.

Тушиб қолаётган элемент кўп сонда бўлганида эллиптик шакл ҳам шу шаклни олади:

The Canary Island → the Canaries;

The Pennine Range → the Pennines.

Ноаниқ артикль атоқли от билан бирикувида “маълум бир шахс” маъноси ифодаланади:

A Mr Johnson wants to speak to you “Қандайдир Мастер Жонсон сиз билан гаплашмоқчи”.

Аниқ артикль атоқли от билан бирикиб, кучли талаффуз қилинганида шахснинг мавқеси таъкидланади:

Are you the Mr. Johnson? “Сиз ўша машҳур мистер Жонсонмисиз?”.

Кўринадики, инглиз тилида атоқли отларнинг артикль билан бирикиши ўзига хос структураларни ҳосил қилиб, маълум кўринишдаги грамматик маъно ифодаси учун хизмат қилади.





## ИККИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР

1. От туркумидаги сўзлар икки хил семиологик вазифани бажариш қобилиятига эга бўлишиб, улар нарса-ҳодисаларни аташ билан бир қаторда, уларга тавсиф бериш вазифасини ҳам ўтайдилар. Ушбу вазифаларнинг ягона бир бирлик зиммасига тушиши ўзига хос предикатив ва атрибутив бирикмалар таркиб топишига сабаб бўлади.

2. Отларнинг маъно хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, энг аввало, уларнинг номинатив бирликлар қаторида тутган ўрни ва нутқий тизилмалардаги иштирокида фаоллашадиган денотатив маъноларни фарқлаш лозим. Биринчи ҳолатда денотат – аталиш объекти сифатида воқеликдаги предмет (ёки предмет синфи) ҳақидаги умумлашган тушунчалардир, иккинчисида эса денотат лисоний белгининг нутқий жараёнда предмет билан муносабатга кириши, яъни ўз референти билан боғланиши.

3. Тушунчавий муносабатда юзага келадиган сигнификат денотатдан устунлик қилган тақдирда лисоний белги соф сигнификатив маънога эга бўлади ва мавҳум тушунчаларни аташ учун хизмат қилади. Шунинг билан биргаликда, тил тизими ва воқеликда қатъий чегараланган предметлик ҳудудлари ажратилмаслиги сабабли, сўзларни у ёки бу турга ажратиш қатта қийинчиликларни туғдиради. Шундай бўлсада, от туркумидаги сўзларни семиологик-семантик гуруҳларга тақсимлаш талаб қилинади.

4. Ифодаланаётган предметлик майдони, яъни денотат сўзнинг лексик маъносини тўлиғича шакллантирганида, отларнинг категориал семаларига нисбатан гуруҳлаш уларнинг семиологик хусусиятларини тавсифлаш учун етарли бўлар эди. Лекин категориал семантик белгилар тўплами сўзнинг номинатив қийматини белгилашдан кўра, унинг синтагматик имкониятларини шакллантиради. Шу сабабли семантик гуруҳлантириш отларнинг бошқа сўз туркумларига қарашли бирликлар (масалан, сифат ва феъл) билан бирикишини аниқлаш учун муҳимдир.

5. Сўз туркумларини ажратишнинг муҳим мезонларидан бири – улар таркибидаги birlikларнинг у ёки бу грамматик шакллариغا эга бўлишидир. От туркумидаги сўзларнинг асосий хусусиятларидан бири – сон категориясига эгалигидир. Аммо отларнинг сон категориясига тобелиги бир хил кўринишга эга эмас.

6. Грамматик категориялар аналитик ҳолда синтетик-морфологик кўринишларда ифода топадиган тиллардаги фарқ маълум бир қолип (модел)нинг воқеланишида кўринади.

7. Атоқли отларда кўплик маъносининг ифодаланиши масаласи кам ўрганилган соҳа. Кўпчилик тадқиқотчилар атоқли отларнинг кўпчилик сон маъносига эга бўлишини батамом инкор этадилар. Ҳ.Суний, А.Гардиниер каби инглиз олимлари жамовий атоқли отлар мавжудлигини тан оладилар. Уларнинг фикрича атоқли отлар кўплик сонидан қўлланилганда, бунда кўплик яққалик мазмунида қабул қилинади. худди шу фикрни П.Кристоферсен ҳам қўллаб-қувватлайди.

8. Инглиз фамилияларининг кўплик шаклини кўриб чиқайлик. Масалан, the Tymperleys атоқли оти аниқ артикль ва кўплик сони шаклига эга. Аниқ артикль қўлланишининг шартлиги Tymperleys шаклининг мавжудлиги билан изоҳланади. Ушбу икки шакл ўртасида семантик фарқ бор: the Tymperleys маълум бир оилага ишора қилади, лекин Tymperleys артикльсиз қўлланилганда маълум бир белги-хусусиятга эга бўлган шахсларни англатади ва бу – атоқли отнинг турдош отлар қаторига кўчиши натижасидир. Сўзловчи Тимперли номини айтаётганида ушбу оила аъзоларининг бир-бирига ўхшашлиги, уларнинг ташқи кўринишидаги умумийликнинг унинг учун ҳеч қандай фарқи йўқ.

9. Атоқли отлар кўплик сонинг яна бир хусусиятига эътибор қаратиш лозим. Бу отлар чегараланган миқдордаги денотатларни атайди. Турдош отлар кўплиги чексиз:  $table = table_1 + table_2 + table_3 + table_3 + table_4 + table_n$ , лекин the Alps – ҳар қандай тоғлар бўлмасдан, балки маълум жуғрофий жойлашувдаги тоғлардир. The United States of America – ҳар қандай

штатлар бўлмасдан, балки Шимолий Америкада ягона бир давлат таркибидага бириккан штатлардир. Бундан ташқари, ҳар бир штатнинг ўз номи ҳам бор: Washington, Ohio, Illinois, etc. The Temperleys –ҳар қандай одамлар бўлмасдан, балки ягона бир оилага бирлашган шахслар, оила аъзоларининг сони аниқ.

10. Атоқли отларнинг кўплик сони шаклида қўлланиши кўшимча маъно бўёқларининг пайдо бўлиши турган гап. Эллипсиснинг ҳар қандай кўринишида сақлаб қолинаётган сўзнинг вазифаси, қиймати ошади ва бу қиймат кўпинча экспрессив мазмунни эгаллайди. Чунки атоқли отларнинг кўплик сони шаклида қўлланишининг ўзиёқ нормадан чиқишдир.

11. Шундай қилиб, сон категорияси фақат турдош отлар учун грамматик моҳиятга эга. Ушбу категория отларнинг турли лексик-грамматик гуруҳларида турли семантик мазмунга эга бўлади. Муайян турдош отларда сон категорияси чексиз мажмуаларни ҳосил қилади. Атоқли отлар гуруҳларида кўплик сон шаклининг пайдо бўлиши, биринчидан, эллипсис ҳолатларида аниқ денотат ифодаланишида қўлланса, иккинчидан, атоқли отнинг турдош отлар қаторига оккозионал кўчишида пайдо бўлди.

12. Айтилганларнинг барчаси атоқли отларнинг структур хусусиятлари ва грамматик имкониятларининг доираси тор эканлигидан дарак беради. Улар кўламида грамматик категорияларнинг фаоллашув даражаси ҳам паст. Инглиз тили тизими доирасида атоқли отларнинг артикль билан бирикиши ҳолатлари биров бўлса-да диққатни жалб қилади.

## **III БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ МАТН ТАРКИБИДАГИ СИТИЛИСТИК-ПРАГМАТИК ВАЗИФАЛАРИ**

### **3.1 АНТРОПОНИМЛАРНИНГ МАТНДА ҚЎЛЛАНИШИ**

Тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлган ономастикага оид ишларда атоқли отлар лексик бирликларнинг алоҳида категория сифатида қаралади. Ушбу категориядаги бирликлар фақат уларга хос грамматик, семантик хусусиятларга эга бўлиши билан бир қаторда, нутқий фаолиятда, турли матнларда фаоллашув имкониятлари билан ҳам бошқа турдаги лисоний бирликлардан ажралиб турадилар.

Тадқиқотчилар одатда отларнинг моҳиятини белгилаш вазифасининг қийинчилигини тилшуносликда уларнинг лексик маъносини аниқлаш учун зарур бўлган мезонларнинг яратилмаганлиги билан изоҳламоқчи бўладилар. Шу соҳанинг йирик мутахассиси А.В.Суперанскаянинг қайдича, атоқли от тушунча билан бевосита алоқадор эмас, шунинг учун унинг маъносини турдош отлар таҳлилига мос келадиган мезонлар асосида аниқлаб бўлмайди. “Атоқли от, -деб ёзади олима – алоҳида ономастик семантикага эга. Бу маъно ундаги номловчи ахборот, бажариладиган вазифа, унинг қўлланиш майдонининг стилистик, ономасиологик, миллий-маданий хусусиятларини қамраб олади. Шу маъно доирасидан атоқли отнинг индивидуал идроки шароитида юзага келадиган эмоционал – стилистик ҳолатлари ҳам жой олади”.<sup>45</sup>

Яна бир мутахассис В.И.Болотовнинг фикрича, атоқли отлар тил тизимида лексик маънога эга эмас ва уларнинг мазмуни фақат нутқда, лисоний бирликнинг денотат билан боғланишида пайдо бўлар эмиш.

---

<sup>45</sup> Суперанская А.В. Теоретические проблемы ономастики. Автореф. докт. дисс., -М., 1974. –С. 41.

Муаллиф ушбу нутқий мазмунни денотат ҳақидаги билимни камраб оладиган қомусий маъно, деб атайди.<sup>46</sup>

Бизнингча, атоқли отларнинг тил ва нутқда бир хилда лексик маънога эга бўлишини эътироф этаётган тилшунослар тўғри йўлни танлаганлар. Ушбу фикр тарафдорлари атоқли отларни номлаш вазифасини бажариш билан бир қаторда, денотатив ва сигнификатив асосларга эга бўлган лисоний белги сифатида талқин қиладилар. Лекин ушбу хусусиятларнинг атоқли от маъносида мавжудлиги ўзига хосдир. Масалан, атоқли отнинг тил сатҳи яширин, имплицит мавжуд бўлган сигнификатив маъно нутқда тўлиғича зоҳирланади.

Албатта, умумий номлар бўлган John, Kate, Иван, Астр, Аҳмад, Холмат каби атоқли отларнинг контекстан ташқи маъно имкониятлари чегараланган. Ушбу отлар ифодаланаётган объектларнинг миллати, жинси каби белгиларини аниқлаш ҳар доим ҳам осон эмас.

Тил тизимида атоқли отларнинг шундай гуруҳлари ҳам борки, улар ҳақида тил соҳибларида ўзига яраша билим заҳираси бор. Бундай отлар ўз асосий маъноларидан ташқари, кўча маъно соҳасига айланганлар. Масалан, ғарбликлар Waterloo сўзини эшитганларида Наполеоннинг ўша ердаги мағлубиятини эслайдилар ва бу топонимнинг кўчма маъноси – ҳар қандай қашғатқич мағлубиятдир. Шунингдек, ўзбек ўқувчилари учун “Энди Ҳиротга жўнатсалар керак” – гапининг мазмуни аён – “Ҳирот” топоними “сиёсий сургун” тушунчасига яқин.

Самарқанд давлат университетининг домласи бўлган Э.Б.Магазанник атоқли отлар кичрайтирувчи, эркаловчи мазмунга эга бўлиши, унинг туб, номинатив маъносини кенгайтириши кўп йиллар олдин қайд этган эди.<sup>47</sup>

Бадий нутқнинг ономастикасига оид қатлами адабиётшунос ва тилшуносларнинг диққатини узоқ пайтлардан буён жалб қилиб келмоқда.

---

<sup>46</sup> Болотов В.И. Актуализация антропонимов в речи. Автореф.канд.дисс. – А., 1970. –С. 20.

<sup>47</sup> Магазанник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе. –Автореф.канд.дисс. –Самарқанд, 1967.

Поэтик нутқ назариясининг асосчиларидан бўлган академик В.В.Виноградов бу ҳақида қуйидагини ёзган эди: “исм, фамилияларнинг бадий адабиётда танланиши, уларнинг турли жанр ва услублардаги ўзига хос структур белгилари ҳамда образ яратиш, тавсифий вазифалари бадий адабиёт стилистикасининг энг катта ва мураккаб муаммосидир”.<sup>48</sup>

Анъанага биноан, атоқли отларни, уларнинг бадий матнда бажараётган вазифаларига нисбатан фақат номинатив вазифа бажарувчилар ҳамда ўз маъно доирасига атоқли ва турдош отлар вазифаларини акс эттирувчилар гуруҳларига ажратилади. Бадий матнда биринчи гуруҳдагиларнинг бажарадиган вазифаси иккинчи гуруҳдагилардан кам бўлса керак, чунки туб отлар ҳам тўқима отлар каби матн бадий образини яратиш учун хизмат қиладилар.

Ижодкорларнинг ўзлари ҳам матндаги отлар танлови бадий мазмун шаклланишига хизмат қилишини доимо эътироф этганлар. Бу ҳақида буюк рус адиби Л.Толстой қуйидагиларни ёзган эди: “Болконский, Друбайкой, Билибин, Курагин рус задогонлари доирасида, Валконский ёки Трубецкой даражасида бўлмаса ҳам, маълум даражада таниш ва одатий тарзда эшитилади. Мен Безухов, Ростов каби номларни танлашда уларни ғайритабий бўлишидан қочдим ҳамда танловда туғиладиган қийинчиликларни енгишнинг осон йўлини оддий, яхши таниш фамилиялардаги улардаги баъзи ҳарфларни ўзгартириш усулидан излаб кўя қолдим”.<sup>49</sup>

Демак, ҳар қандай атоқли от – бадий образни яратувчи восита. У персонажни миллий хусусиятлари ҳақида хабар беради, асар миллий-маданий ҳолатларини намоён этади. Атоқли от бадий матнда лисоний бирликларнинг эстетик руҳ олишида ўз ўрнига эга. Антропоним,

---

<sup>48</sup>Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. –М., 1963. –С.38.

<sup>49</sup>Толстой Л.Н. Несколько слов по поводу книги «Война и мир» // Полное собрание художественны произведений. С. 347.

топоним гуруҳларидаги отларнинг маъно структурасини аниқлашда контекст асосий ролни ўтайди.

Бадиий матнда антрапонимлар асар прагматикасини воқеланишида фаол иштирок этадилар ва коммуникатив вазифани бажарадилар. Машҳур фаранг ёзувчиси Эмиль Золя “шахсга берилган ном персонажни ажралмас хусусияти, унинг қалбига айланади ва бу ном кўпинча инсоннинг борлигини ифодалайди”, деб ёзган экан.

Антропонимларнинг бадиий асар контекстида идрок қилиниши турлича кечади. Улар дастлабки ўринда инсонни номлаш учун танланган лисоний белгидирлар. Идрокнинг илк босқичида контекст семантикасининг амалларидан бири, яъни маъно меъёрини чегаралаш ҳаракати амалга ошади. Бунда аввал антропоним бошқа луғавий бирликлардан фарқланса, кейинчалик бошқа атоқли отлардан ажратилади. Антропонимларнинг фарқланишида турли структур-формал кўрсаткичларга (масалан, антропонимларни ясовчи аффиксларга) таяниш мумкин. Бу қўшимчалар туб ва тўқима антропонимларда бир хил кўринишга эга бўлади.

Бадиий антропонимларни ажратишнинг навбатдаги босқичи –улар маъносидаги имплектив бўлакларни аниқлаш. Антропонимнинг маъносини аниқлаш учун зарур бўладиган бутун матнга таълуқли бўлиши керак ва “бу матн тугал коммуникация намунаси – тугалланган ҳикоя, новелла, роман кабилар бўлиши мумкин”.<sup>50</sup>

Матннинг яхлит мазмуний тузилиши турдош отларнинг маъносини аниқлаш учун ҳам муҳим, албатта. Аммо бадиий антропонимларнинг маъносини асар матнига мурожаат қилмасдан туриб аниқлаш янада мушкулроқ. Бу аслида матннинг коммуникатив мазмунини тушинишга йўналтирилган ҳаракат билан бир хилда кечади. Матн мазмунини тушиниш эса мураккаб ақлий фаолиятни талаб қилади. Тушиниш фаолиятининг субъекти ўқувчи ёки матн таҳлили билан шуғулланаётган

---

<sup>50</sup> Колшанский Г.В. Контекстная семантика. –М.: Наука, 1980. –С.66.

тадқиқотчидир. Ўқувчининг дунёқараши ва билим даражаси қанчалик кенг бўлса, матнда атоқли отларнинг бажараётган вазифаси ва ифодалаётган маъносини англаш шунчалик тезлашади.

Антропонимларнинг матнда қўлланиш ҳолатлари таҳлили гувоҳлик беришича, ушбу матнда фамилияларнинг “мазмун юки” исмларниқига нисбатан залворлироқ. Бундай матнда тарихан шакл топган фамилиялар билан бир қаторда, муаллиф тамонидан ясалган, тўқима фамилияларнинг учраши аниқ. Тўқима антропонимларнинг хусусиятлари ҳақида тилшунослар кўплаб фикр-мулоҳазаларни билдириб келаётганларига қарамасдан, уларнинг семантик ва грамматик имкониятлари тўлиқ ўрганилган эмас. Кўпчилик пайтларда бадиий антропонимларни персонажларни тасвирловчи, уларнинг характерли хусусиятларини акс эттирувчи лисоний бирлик сифатида тасвирлаш маъқул кўрилади. Жамият тараққиёти босқичларида тарихан шаклланган исм-шарф номенлари тил тизимининг ажралмас қисмини ташкил қиладиган бирликлар эканлиги маълум. Лекин бадиий асар матнида бу антропоним бирликлар маъно доирасининг кенгайиши, янги бўлақлар ҳисобидан бойиши кузатиладиган ҳолат. Ҳатто тўқима антропонимлар алоҳида муаллиф тамонидан, маълум бир асар доирасида яратилса ҳам, улар бошқа асарларда такрорланиши мумкин.

Баъзан муаллиф ижод қилган антропонимларни умумий тизимда мавжуд бўлганлардан фарқлаш қийин кечади. Турли луғатлар, тавсияномаларда санаб ўтиладиган имсу-шарфла<sup>51</sup>, маълум матн вазиятларида оккозионализм мақомини олиши мумкин. Антропонимларнинг матн доирасида оккозионал қўлланиши турлича шаклларда намоён бўлади. Шунга нисбатан таҳлилга тортиладиган антропонимлар икки катта гуруҳга ажраладилар:

#### 1. Тўқима антропонимлар:

---

<sup>51</sup> Қаранг: Reany P. A Dictionary of British surnames. –London, 1988; Бегматов Э. Ўзбек исмлари. –Тошкент, 2000.



- а) бошқа антропоним ёки турдош отлар билан боғлиқлиги йўқ;
  - б) антропонимлар қаторига турдош отлар гуруҳидан кириб келган.
- 2.Туб (реал) антропонимлар.

Антропонимларнинг окказионал қўлланиш ҳолатларига мисоллар келтириб, уларни изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Муаллиф тамонидан тўқилган антропонимларнинг семантик хусусиятлари бир хил эмас. Уларнинг баъзиларида маъно структураси ифода воситалари “соя”сида қолиб кетади. Масалан, инглиз ёзувчиси У.Голдингнинг “Меросхўрлар” романида неандерталлар қабиласи ва Homo Sapiens жамоаси вакиллариининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қиладилар. Ёзувчи асар персонажларига оддий, талафузи осон Fa, Ha, Ma, Li, Oa каби номларни беради. Бу номларни эшитаётган кишида ибтидоий қабилаларнинг мулоқот тили қай даражада содда бўлганлиги ҳақида тасаввур туғиладию ушбу тўқима лексик бирликларнинг атоқли от сифатида қабул қилиниши фақат алоҳида матн доирасида кечади, бошқа ҳолатларда улар ҳеч қандай маъно касб этмайдилар. Ўз тузилиши ва шаклига нисбатан ҳам улар бошқа антропонимлардан анча узоқ турадилар. Аммо бу турдаги антропонимларнинг этимологик асоси ёки бошқача айтганда, ботиний шакли қанчалик мазмуний асосни тўлиғича йўққа чиқариб бўлмайди. Бадиий асар матнининг яхлит ҳодиса сифатида талқин қилиниши боис, биз ушбу антропонимларнинг матн фонетик тузилишида, унинг ритмикасида ўз ўрнига эга эканлигини эътироф этмоғимиз даркор. Зотан, “фонетик маъно турлари матн воситасида ўзаро муносабатга кираётиб, ифодаланаётган ахборотни бойитади”.<sup>52</sup> Унитмаслик лозимки, товушлар воситасида ифодаланадиган ахборот тушунча доирасидан ташқарида, кўпроқ ҳиссий-эмотив ифодаланувчи ҳудудда пайдо бўлади.<sup>53</sup>

---

<sup>52</sup> Пелевина Н.Ф. О сематизауим звуковой стороны художественного текста // Вопросы семантики. –Л.: Изд-во ЛГПИ, 1976. –С.95.

<sup>53</sup> Воронин С.В. Основы фоносемантики. –Л., 1988; Шаховский В.И. Эмоции. Долингвистика. Ляогвистика Лингвокультурология. –М: URSS, 2009.

Бадиий матн муаллифи тамонидан ижод қилинган тўқима антропонимларнинг асосида турдош отлар ҳам туради. Турдош отдан ясалган атоқли отлар ўз семантик имкониятларини бошқача намоён қиладилар. Ушбу гуруҳнинг асосий фарқи турдош отларнинг антропонимлари каторига ўтганидан сўнг бадиий матнда бошқача семантик мундарижа олишларида кўринади.

Муаллиф ҳар бир персонажга мос келадиган, унинг хислатларини намоён қила оладиган исму-шарфни танлаши турган гап. Ҳатто турдош отларнинг маъносида мавжуд бўлмаган белги, бўлақлар ундан ясалган антропоним маъносида пайдо бўлади. Масалан, инглиз тилида *burlar* сўзи О.Хакслининг асарида персонажнинг номига айланганидан сўнг ўз луғавий маъносини (“каном мато, кўпол кийим”) йўқотгандай бўлади. Асарда ушбу сўзнинг кўполлиги, пасткашлигига ишора қилувчи окказионал маъноси воқеланади. Романнинг *Burlar* номли персонажи – ҳақиқатдан ҳам қалбсиз, илтифотсиз, кўпол инсон.

Турдош отлардан ясалган антропонимлар бадиий асарлар матнида кенг меъёрда қўлланиладилар. Жумладан, ёзувчи И.Вонинг “Жирканч бадан” романида *Miss Mouse* (турдош от – *mouse* “сичқон”), *Melrose Ape* (турдош от *ape* “одамсимон маймун”), *Lady Throbbing* (*throbbing* – “титраётган, қўрқаётган”), *Sir Claude Aglet* (*aglet* – ҳарбийларнинг елкасига тақиладиган тасма иплар) каби қатор исму-шарфларни учратамиз.

Ушбу кўринишдаги антропонимларни асарнинг ўқувчилари изоҳлашда унчалик даражада қийналмайдилар. Бадиий антропонимлар гуруҳига кўчаётган турдош отларнинг маъносида катта силжишлар юзага келмайди. Асар матнида турдош отлардан ҳосил бўлган номлар ушбу ном соҳиблари бўлган персонажларнинг бадиий образини яратиш воситаларидан бирига айланади.

Туб антропонимлар ҳам бадиий нутқда фаоллашуви натижасида янги маъно бўлақларига эга бўладилар. Бадиий асар матни таҳлилида ушбу гуруҳдаги антропонимларнинг тизимий маъносининг қайси қисмлари

сақланишини ва қандай оккозионал маъно белгиларига эга бўлишини аниқлаш муҳим.

Антропонимларнинг туб маъносидаги силжиш ҳолатини Sears фамилияси мисолида кўриш мумкин. “Инглиз исмлари” луғатида кўрсатилишича, Sears фамилияси Sear’s ёки Sear’s Son бирикмасидан контаминация усули қўлланишида ҳосил бўлган. Ёзувчи А.Мэрдокнинг “Гўзаллар ва саҳоватлилар” романидаги иккинчи даражали персонажлардан бирига шу ном берилган. Дастлабки назарда, ушбу антропонимнинг тавсифий имкониятлари ва муаллиф прагматикасидаги ўрни сезиларли даражада эмасдек кўринади. Ҳақиқатдан ҳам, Sears фамилияси персонаж шахсига нисбатан бефарқдек. Лекин Sears антропоними роман матнида учрайдиган to sear “қуримоқ, сўлимоқ” феъли, sear “қуруқ, сўлик” сифати ҳамда the sear and yellow leaf “ўтиб қолган умур, ёш” фразеологизми билан боғланиши асосида персонажнинг тавсифий хусусиятларини ифодалаш қобилиятини намойиш этади. Роман сюжети тараққиётида кекса, ҳаётда қийналган, ҳеч кимга керак бўлмайдиган персонажга Sears номининг берилиши ўзига яраша коммуникатив мазмун яратувчи омилга айланган.

Шунингдек, О.Хаксли асарларидаги Cole (турдош от – cole “қарам”), Slime (slime “ёпишқоқ лой, slip “хато”) каби антропонимлар ҳам шунга ўхшаш стилистик, прагматик вазифаларни бажарадилар.

Айтиш жоизки, бундай турдаги антропонимлар ясалиши турли тилларда турлича усулларда кечиб, ҳосил бўлган антропонимлар миллий-маданий, этник хусусиятларга эга бўлади. Шу сабаб улар учрайдиган асарларни бошқа тилларга ағдариш жараёнида таржимонларнинг катта қийинчиликларга учраши кутилган ҳол. Ҳатто баъзан антропонимнинг таржима натижасида бадиий тавсиф вазифаси ўз кучини йўқотиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Масалан, a count Tampen, one man, Mrs. Crump, of exceedingly evilness<sup>54</sup> гапини оладиган бўлсак, ундаги Tampen номини таржима қилиш учун tampen сўзини Жанубий Африкадаги захарли кананинг номи эканлигини ҳамда муаллиф ушбу номни ўз қаҳрамонининг ярамас, расво одам эканлигини таъкидлаш учун қўллаётганлигини билиш керак: “Миссис Крамп, граф Тампен – ўта расво одам”.

Худди шундай ҳолатлар куйидаги мисоллар таҳлилида кузатилади:

а) “Didn’t I tell you? It’s a house called Douting, and it’s all falling down really?”<sup>55</sup> Ушбу гапдаги Douting номи инглиз тилидаги to dout феъли билан боғланади.

б) But do you take me for Mrs. Grundy?<sup>56</sup>

О.Хакслини Point Counter Point романидан келтирилаётган ушбу мисолдаги Mrs. Grundy антропоними grandmother турдош оти билан тенглаштирилмоқда ва таржима жараёнида бу атоқли отни яна ўз гуруҳига қайтариб, турдош отдек ағдариш мумкин: “Лекин сиз мени қари қиз, деб ўйлайсизми?”.

Шундай қилиб, атоқли отлар турли гуруҳларга ажраладилар ва уларнинг матн таркибида бажарадиган вазифаларини ўрганиш тилшунослик фани тараққиётида ўз улушига эга. Атоқли отлар яхлит ва тугал бадиий матннинг ажралмас қисми ва улар фақат бадиий асар таркибида ўзига хос маъновий хусусиятларни намоён қиладилар.

---

<sup>54</sup> E. Vo. Vile Bodies. –London, 1980. P.38.

<sup>55</sup> Ўша асар, 66-бет.

<sup>56</sup> O.Haxley. Point counter point. –London, 1971.

### 3.2.ТОПОНИМЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ФАОЛЛАШУВИ

Топонимлар – атоқли отларнинг алоҳида тури бўлиб, улар табиий, жуғрофий объектлар (тоғ, денгиз, дарё, воҳа кабилар) ҳамда сиёсий – жуғрофий объектлар (мамлакатлар, минтақалар, шаҳар кабилар) нинг номларидир. Инсон тамонидан яратилган сунъий объектлар (шаҳар, кишлоқ, маҳалла кабилар) номлари “ойкопимлар” гуруҳига киритилиб, ушбу гуруҳ таркибидаги кўча, майдон, даҳа, алоҳида биноларни атовчи сўзларни “урбанонимлар” деб аташ қабул қилинган.<sup>57</sup>

Топонимлар гуруҳидаги сўзлар кундалик нутқда қўлланишида алоҳида бир объектга ишора қилиб, ушбу объектни аниқ номлаш учун хизмат қилади. “Беруний у билан бир лаҳза суҳбат курса гўё **Ҳиндистонга** қайтиб боргандай, босиб ўтган йўлларию кезган шаҳарларида қайта кезиб юргандай бўлади” (О.Ёқубов. “Кўҳна дунё”).

Топонимлар кўчма маънони касб этган ҳолда матн таркибида қўлланилганда турли эмоционал-экспрессив маъно бўлақларини ифодалайди ва прагматик мазмунни шакллантирувчи воситага айланадилар.

Мутахассислар топонимлар уч хил маънони ифодалаш қобилиятига эга бўлишларини қайд этадилар.<sup>58</sup> 1) сўзнинг топонимга айланишидан олдинги, этимологик маъноси; 2) топонимик маъно, яъни муаян объектга ишора қилиш; 3) контекстдаги қўшимча қийматли маъно.

Топонимларнинг нутқда қўлланишида этимологик маъно одатда фаоллашмайди, чунки сўзловчи бу маънони эслаб ўтирмайди. Шунингдек, топонимнинг “ботиний шакли” ҳам сўзловчи учун фарқсиз: “Кейинги бекат – Халқлар дўстлиги”.

---

<sup>57</sup> Никонов В.А. Введения в топонимику. –М.: Наука, 1965; Беленькая В.Д. Топонимы в лексической системы языка. –М.: Изд-во МГУ, 1969.

<sup>58</sup> Никинов В.А. Кўрсатилган асар, 14-бет.

Бу гуруҳдаги бирикмаларнинг кўчма маънода қўлланиши турли мулоқот муҳитларида кечади ва турли мақсадни кўзлайди. Кўчма маънонинг юзага келиши баъзан топонимларнинг туб маъносидан устун келади, натижада топоним сўзнинг маъноси кенгайди ёки тамоман ўзгаради.

Қуйида топонимлар гуруҳида алоҳида ҳудудни эгаллайдиган луғавий бирликлар, яъни урбононимларнинг бадиий матнда қўлланишида стилистик ва прагматик мазмунларнинг ифода топишидаги ҳиссаси ҳақида биров батафсилроқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Бадиий асар матнида топонимларнинг маълум гуруҳдаги топонимларнинг мавжуд бўлиши биринчи навбатда асарнинг мавзуси билан боғлиқ. Жумладан шаҳар (қишлоқ) ҳаёти тасвирланаётган асарларда урбононимларнинг кенг миқёсда қўлланиши табиий. Шунинг билан биргаликда, муаллифнинг индивидуал услуби асар саҳифаларида турли кўринишдаги топонимларнинг пайдо бўлишига туртки бериши мумкин. А.В.Суперайская айтганидек, атоқли отлар, “асарни умумий бадиий курилишида ўзига ўрин топаётиб, баъзан матн билан дастлабки танишишда сезилмайдиган қўшимча маълумотлар манбасига айланади”.<sup>59</sup>

Атоқли отлар ва матннинг умумий мундарижаси ўртасидаги боғлиқликни таъкидлаётган тадқиқотчилар дастлабки ўринда “жарангдор ном”ларга эътибор қаратадилар. Ҳақиқатдан ҳам асар муаллифи ва ўқувчисининг диққат марказида инсон образи туради. Лекин асар ғоясини англашда матндаги бошқа турдаги атоқли отларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бундай матндаги топонимлар тизимининг умумий ғоя ифодасида тутган ўрнини аниқлаш матн тилшунослигининг муҳим вазифаларидандир.

Инглиз бадиий адабиётида энг кўп тасвирланган шаҳар Лондон бўлса, ўзбек адабиётида бу ўринга Самарқандни қўйсак, балким хато қилмасмиз.

---

<sup>59</sup> Суперайская А.В. Общая теория имени собственного. –М.: Наука, 1973. –С.328.

Қиёсланг:

Соғиндим. Кун-тунлар қатланди қалбада

Рангин ипаклари соғинчнинг, агар-

Ёйсақ йўллардаги симёғочларга,

Зорланиб етарди Самарқанд қадар.

(Омон Матжон).

Лондон ва Самарқанд шаҳарлари турли тарихий даврлардаги инглиз ва ўзбек халқлари ҳаётини тасвирловчи асарларнинг воқеалари кечаётган маконлар эканлиги маълум. Бундай асарларда ушбу шаҳарларнинг ўзидан ташқари, улардаги майдонлар, кўчалар иншоатлар, биноларнинг номлари эслатилиши ҳам табиий. Лекин бу номлардан бир хилда фойдаланадилар дейиш хато бўлса керак.

Шу муносабат билан бир даврда (XX-асрнинг 30-50 йилларида) яшаб ижод қилган икки инглиз муаллифининг услубини қиёслаб кўрайлик. Жойс Кэрининг “отнинг оғзи” ва Айрис Мэрдокнинг “Тўр ичида” романларида қарийиб бир даврда кечган воқеалар тасвирланган<sup>60</sup> ва муаллифлар ихтиёрида бир хил тизимдаги топонимлар. Лекин уларнинг бу топонимлардан фойдаланиш услуби ва мақсади турлича.

Иккала асарда ҳам баён биринчи шахсда бажарилган. Ж. Кэрининг ҳикоячи персонажи лондонлик дайди рассом Ҳалли Жимсон бўлса, А.Мэрдок асарида бу ролни ёш билимдон Донегию бажаради. Асарларнинг биринчи саҳифаларидаёқ ҳикоячилар урбанонимларга мурожаат қиладилар. Дайди рассом Лондоннинг Гринбэк Ҳард мавзесига бормоқчилигини баён қилади: **I must have been hopping up and down Greenbank Hard for half an hour (p.11); I walked up and down Ellam Street, to keep warm (p.16).**

Айрис Мэрдокнинг қаҳрамони ҳам бошини қаерга суқишни ўйлайди ва ниҳоят танишиникига боришга аҳд қилади:

---

<sup>60</sup> Cary J. The horse's mouth. –London, 1987; Murdoch I. Under the net. – London, 1974.

Here we were sitting in **Earls Court Road** ... and where were we go next? (p.9). I took a number 73 bus, and went to Mrs. Tinckham Mrs. Tinckham keeps a newspaper shop in the neighbourhood of **Charlotte Street** (p.15).

Асарлардан келтирилган ушбу мисоллар топонимлар қўлланишида ҳеч қандай фарқ йўқлигидан хабар беради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам топонимлардан роман персонажлари ҳаракатини маълум бир манзилга йўналтириш, воқеаларни маконга жойлаштириш мақсади амалга оширилмоқда.

Топонимлар қўлланишидаги фарқни сезиш учун ушбу романлар матни билан тўлиқ танишиш керак бўлади. Биринчидан, Ж.Кэрининг асари Айрис Мэрдокниқидан ҳажми жиҳатидан анча каттабўлишига қарамасдан, унда қўлланилган топонимларнинг миқдори камроқ. “Отнинг оғзи” романида Greenbank Hard, Ellam Street, Portland Place, Backboy’s Yard, Partee Lane, Dahlia Rodd, High Street, Gas Lane, Capel Mansions каби 15 та урбанонимни учратамиз. Айрис Мэрдокнинг “Тўр остида” романида эса 40 дан ортиқ урбаноним воқеалар кечишини маконлаштириш учун жалб қилинган: Earls Court Road, Charlotte Street, Goldhawk Road, Bond Street, Soho, Oxford Circus, Chelsea Bridge, King’s Road, Hyde Park, High Holborn, Battersea, the Mall, etc.

Лекин асарлардаги топонимларнинг миқдори умумий мазмун ифодасида унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Гап уларнинг қай меъёрда қўлланишида. Кэрининг романида Greenbank Hard ва Ellam Street топонимлари тез-тез такрорланиб туришининг сабаби, бош қаҳрамон дайди рассомнинг фаолият маконининг торлигини кўрсатиш. Бошқа топонимлар бор-йўғи 2-3 мартадан қўлланган ва улар воқеалар баёни учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Масалан яна бир персонаж Коукернинг Далия Роуддаги биноларнинг бирининг чердагида яшаши ҳақида хабар қилаётган (on the top-floor in Dalia Road) муаллиф бу қизнинг камбағаллигига ишора қилади.



“Тўр остида” романида топонимларнинг қўлланиши бошқача кўринишга эга. Асар қаҳрамони Жейк Донегионинг доимий равишда яшаш жойи дўстлар, ҳамкасблар топиш тўғрисида бош қотириши, ҳаётда ўзига ўрин топа олмаётганлигини тасвирлаш учун муаллиф уни Лондон кўчаларида кездриб кўяди. Романда эслатилаётган топонимлар Жейкка яқин инсонларни эслатади: Earls Court Road (Мэж яшайди), Charlotte Street (Тинкхэм хонимнинг газета дўкони жойлашган), Goldhawk Road (дўстлари Дейв ва Финн яшайди), Wallback Street (Сэди Квинтон яшайди), Bayswater Road (бу кўчада қачонлардир Анна Квинтен истиқомат қилган). Ушбу топонимларнинг асар матнида тез-тез такрорланиши ўқувчига воқеалар Лондонда кечаётганлигини эслатиб туради.

Таҳлил қилинаётган икки романлар матнининг қиёсида, топонимлар қўлланишидаги индивидуал ёндашувнинг яна бир намунасини кузатамиз. А.Мэрдокнинг асаридаги топонимларнинг барчаси тарихан мавжуд бўлган объектларнинг ҳақиқий номи бўлса, “Отнинг оғзи” романида эса бутунлай бошқача ҳолат кузатилади. Ж.Кэри воқеалар баёнини ҳақиқий мавжуд бўлган топонимлар билан боғлашни мақсад қилиб кўймайди. Бунинг ўрнига хаёлий, муаллиф фантазияси асосида яратиладиган топонимларни маъқул кўради. Муаллиф қилаётган топонимларнинг катта қисми Лондон шаҳри харитасида келтирилмаган. Фақат романда бой савдогор Ҳиксоннинг яшаш макони ҳақида сўз кетганда Portland Place топоними қўлланилади. Афтидан муаллиф бунинг билан ушбу қаҳрамонининг бошқа “майда-чуйда одамлар”дан фарқини таъкидламоқчи бўлса керак. Шу сабаб аристократ Ҳиксоннинг номи ва унинг яшаш макони қайта-қайта такрорланади. Асосий қаҳрамон – камбағал рассом образининг тасвири ишончли бўлишини таъминлаш мақсадида муаллиф унга ҳатто ҳақиқий маконни ҳам раво кўрмасида, лекин романда келтирилаётган топонимларнинг структурасини харитада ҳақиқатдан мавжуд бўлган жой номларига мос келтиришни унитмайди. Ж.Кэри ижод қилган

топонимларнинг ҳақиқатдан мавжуд бўлган топонимларга мослашувини куйидаги мисолларда кўраимиз:

Ellam Street – Elland Road (Лондоннинг шимолида)

Greenbank Hard – Green Bank (Лондоннинг жанубида)

Chatfield Buildings – Chatfiell Road (жанубда)

Blackboy’s yard – Black Boy Lane (Лондоннинг шимолида)

Peartree Lane – Peatree Avenue (ғарбда)

Асар муаллифининг мақсадини ўқувчига етиб боришида атоқли отларнинг ўз ўрни бор. Худди шу ерда ҳақиқий ва тўқима топонимларнинг фарқи намоён бўлади. Туб топонимга мурожаат қилаётган муаллиф ўқувчи онгида ушбу сўз ҳақида қандайдир маълумотлар борлигига ишонади. Бу эса баённинг лўнда, ортиқча изоҳлар кечишига имкон беради. “Тўр остида” романидан мисоллар келтирамиз:

I usually Keep clear of Soho, partly because it’s bad for the nerves and partly because it’s so expensive (p.33);

I felt reluctant to risk meeting Hugo in a Fleet Street milieu, where our personal drama might be spoiled by drunken journalists (p.95.)

Ушбу гаплардаги топонимлар ўқувчига таниш: Сохо – Лондоннинг ёмон ном чиқарган, ресторанларга бой даҳаси; Флит-Стрит – газеталар таҳририятлари жойлашган кўча. Шу сабаб ўқувчи муаллифнинг прагматик мақсадини тезда англаб олиши кутилади. Топонимлар ҳақидаги олдиндан маълум билимга роман матни доирасида бошқа маълумотлар қўшилиши кузатилади: .... There was nothing to be done but to work Soho. There is always someone in Soho who knows what one wants to discover; it’s just a matter of finding him (p.32).

Туб топонимларнинг роман сюжети тараққиётига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслик ҳолатлари тез-тез кузатилади. Бундай топонимларни ҳеч қандай зарарсиз бошқалари билан алмаштириш мумкин. Шу йўсиндаги алмашинувлар баён қилинаётган мавзунинг мазмунини тушинишга тўсиқ

бўла олмайди. Муаллиф учун топонимларнинг ҳақиқийлиги муҳим, улар воқеалар ҳақидаги ҳикоянинг ҳаётий эшитилишини таъминлайдилар.

Ж.Кэрининг асаридаги топонимларнинг кўпчилиги тўқима эканлигини айтдик. Натижада романи ўқиётган ўқувчида ушбу топонимларнинг мундарижаси тўғрисида “олдиндан тайёр” тасаввур йўқ. Турли тасаввурлар, мазмуний алоқадорлик фақат асарни ўқиш жараёнида туғилиши мумкин. Асар персонажи Халли Жимсон дейди: *The old horse doesn't speak only horse, and I can't speak only Greenbank* (p.190). Ушбу парчадаги сўз ўйинини бошқа тилга таржима қилиш қийин: “Қарри от фақат от тилида гапирмайди (яъни “қўполлик қилмайди”), шу сабаб мен ҳам фақат Гринбек лаҳжасида гапира олмайман”.

Ушбу репликанинг мазмунини манфаатпарастлик даҳаси бўлган Гринбэкса берилаётган таърифни ўқигандан сўнггина тўлиқ англаш мумкин: *Greenbank belongs to the upper river cultural spheres. In Greenbank they drink in Plato and Ruskin with the Oxford bath water* (p.87).

Ўқувчи учун батамом нотаниш бўлган топонимнинг асар матни саҳифаларида аста-секин мазмунга эга бўлиб боришининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

“Тўр остида” романинг матнида кўп миқдордаги топонимлар кўлланганлигини айтдик. Шунингдек, бу топонимлар жуда кўп марталаб такрорланадилар. Масалан, асарнинг 95, 238, 239-саҳифаларида топоним бирликларининг сони жуда ҳам кўп. Кўчалар, жойларнинг номлари қаторлашиб кетганлиги роман мавзусига ўзига хос руҳ бағишлайди – предмет-ҳодисаларнинг тўхтовсиз ҳаракати, турли ҳолатлар, вазиятларнинг давомсиз ўзгариб туриши ўқувчида ўзгача таасурот уйғотади. Топонимлар қатори объектларнинг маълум бир маконни эгаллаши лозимлигига ишора қилади.

Бундан ташқари, А.Мэрдок персонажлар турар жойини қайта-қайта эслатиб туришни ёқтиради. Масалан, Дейв ва Финнларнинг Голдҳок Роуд кўчасида истиқомат қилиши ҳақидаги маълумот 24, 32, 77, 134, 156, 198 ва

137 бетларда қайтарилади. Ушбу топоним персонажларнинг номлари билан ҳамроҳликда қўлланиши натижасида жой номларининг баъзан антрапонимлар ўрнида ишлатилишига олиб келади. Топонимнинг маъноси торайиб, антропоним хусусиятини олишини қуйидаги мисолларда кўрамыз:

1). I am sorry I cut you off that day on the phone when I rang up welbeck steet (p.224).

2). It might be that Hugo was interested in wellbeck Street simply because he thought to find Anna there (p.85).

Бу ерда Welbeck Street кўчани англатмасдан, балки асар персонажи Сэди Квентинга қўнғироқ қилинганлигини билдирмоқда.

Ушбу романдан яна бир парчани келтирамыз:

I was somewhere in the Fullham Road. I saw a taxi approaching. Holborn Viaduct, I said to the driver .... London spend past me, beloved city, almost invisible in its familiarity. South Kensington, Knightsbridge, Hyde Park Corner ... London passed before me like the life of a drowning man which they say flashes upon him all at once in the final moment. Picadilly, Shaftesbury, Avenue, New Oxford Street, High Holborn (p.238-239).

Парчадан маълумки, Жейк севгилиси Хюгни излаб топмоқчи. Қиз Хюгни йўқотишни ҳоҳламайди ва охирги имкониятлардан фойдаланмоқчи. Матнда йигитнинг исми эслатилмасида, “Holborn Viaduct” дейишнинг ўзидаёқ кимнинг қидирилаётганлиги маълум бўлади. Натижада, нутқий актдаги яширин маъно топоним воситасида ифодаланади.

Топонимлар маъносининг торайиши барча турдаги функционал услубларда кузатиладиган ҳодисадир. Масалан, матбуоат тилида “Оқ уй” – Америка Қўшма Штатлари, “Даунинг Стрит” –Буюк Британия ҳукумати, “Кремль” –Россия ҳукумати, “Майдон” –Украина миллатчилари каби мазмунларни ифода этади. Аммо бадий матнда топоним маъносининг торайиши ва баъзан турдош отлар гуруҳига кўчиши оккозианал хусусиятга

эга бўлиб, бундай ўзгаришлар кўпинча алоҳида бир асар доирасидан четга чиқмайди.

Якунда айтмоқчимизки, мавжуд лисоний заҳирадан муаллифлар турлича, ўз мақсадларига мос равишда фойдаланадилар. Бадиий адабиётда топонимлар воқелик тасвирини ҳақиқатга, реал муҳитга яқинлаштириш воситасини ўтайдилар.

### 3.3. ЛАҚАБЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Бадий асарлар тили ўзига хос хусусиятларга эга ва улар матнда тил тизимининг барча имкониятлари зоҳирланади. Бадий матн тадқиқидан турли мақсадларни кўзлаш мумкин.<sup>61</sup> Бадий матнга ахборот узатиш воситаси сифатида қараш етарли эмас, у ўқувчига маълум таасурот, ҳиссиёт уйғотиш манбаси ҳамдир. Бадий асарни, биринчидан, унинг воқеликка муносабати нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш лозим бўлса, иккинчидан, ушбу асарга ўқувчининг муносабати доирасидаги таҳлил ҳам маъқулланишини унитмаслик керак. Охирги ёндашувда бадий матн мазмунини шакллантирувчи, уни коммуникатив бирлик мақомига эга бўлишини таъминловчи омилларни англаш муҳимдир.<sup>62</sup> Бу ҳақида инглиз ёзувчиси Жон Фаулз “The Mage” номли романинг сўзбошисида қуйидагиларни ёзади: The for going will, I hope, excuse me from saying what the story “means”. Novels are not like cross-word puzzles, -with one unique set of correct answers behind the clues. Ушбу фикрини давом эттираётган ёзувчи биров кейинроқ яна қайд этади: Its meaning (the meaning of the whole novel) is whatever reaction it provokes in the reader and so far as I am concerned there is no given “right” reaction.

Кўринадики, Ж.Фаулз ўзи ёзаётган романинг мазмуни қандай идрок қилишни ўқувчининг ихтиёрига қолдиради. Ўқувчи асар қаҳрамонларига нисбатан ўз ҳиссиётларини билдириш, улар ҳақида керакли маълумотларни олиши мумкин.

Асар мазмуни шаклланишида атоқли отларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бадий матнда кишилар номлари ва лақабларининг қўлланиши ўқувчининг идрок қобилиятини фаоллаштиришда, унинг ассоциатив хотирасига таъсир кўрсатиб, қўшимча хотираларни уйғотади. Бу турдаги

---

<sup>61</sup> Ashurova D. Text linguistics. –Т., 2012; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Т.: Фан, 2013.

<sup>62</sup> Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2009.

луғавий бирликлар ўқувчи диққатини жалб қилади, унинг лисоний билим заҳирасини ҳаракатга солади.

Шу муносабатда муаллиф ва ўқувчи лисоний билимининг мос келиши муаммоси пайдо бўлади. Бу билимнинг тўлиғича мос келиши мумкин эмаслиги сабабли эстетик ахборот яратилиши ва идроки жараёнида ахборотнинг маълум қисмининг йўқолиши ёки бузилиши кутилган ҳол. Баъзан эса бу ахборотнинг меъёри идрокнинг субъектив хусусиятга эга бўлиши сабабли, кенгайиши ҳам кутилган ҳол. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ўқувчи муаллиф нима сабабга кўра у ёки бу атоқли от –номини танлаётганлигини англаб етиши керак.

Маълумки, атоқли отлар, шу жумладан антропонимлар ҳам тарихан турдош от, сифат, баъзан феъл ва сондан ясалган: **Асал, Кумуш, Лола, Қўзибой, Бўрибой, Ўроқ, Болта, Теша, Турди, Дилшод, Ўлмас, Итолмас, Азиз, Улуғбек, Ширин, Хурсанд, Етмишбой, Олтмишбой** кабилар. Шу сабаб атоқли отларнинг табиати уларнинг маъно структураси икки хил маъно, яъни номлаш ва денотатив маъноларнинг ўзаро кесишувида ҳосил бўлади. Биринчиси доимо яққаликга интилиб, номланаётган шахсга бевосита ишора қилади. Денотатив-мантиқий маъно ушбу шахсга берилаётган баҳо, унинг ҳақидаги фикрни камраб олади. Атоқли от мазмуний тушилишида номлаш маъноси марказда туради. Чунки атоқли от нутқ жараёнида асосан шахснинг (предметнинг) номи сифатида қўлланилади.

Ж.Фаулзнинг “Ёғоч минора” романининг қаҳрамонлари бўлган иккита қизнинг бирига The Freak, иккинчисига эса the Mouse лақаблари берилади. Уларнинг асл исмлари эса –Anne ва Dianna.<sup>63</sup> Олимларнинг кузатишларича, лақаб – энг қадимий ономасиологик категориялардан бўлиб, у бошқа турдаги атоқли отларнинг тарихий манбаси. Лақаблар маъноси уларнинг эгаларининг айрим шахсий хусусиятларини акс

---

<sup>63</sup> Fowles J. The ebony Tower. –London, 1981.

эттиради. Демак, қизларга берилаётган лақаблар алоҳида шахснинг (муаллифнинг) ижодкорлик фаолияти натижасидир.

Муаллиф номига the Freak лақабини танлаётганлигини билиш учун ушбу сўзнинг луғатдаги изоҳига мурожаат қиламиз. Луғатда қуйидаги изоҳни учратамиз<sup>64</sup>: Freak (n) person, animal or plant that is abnormal in form of behavior.

Кўринадики, ушбу сўз, денотатив маънодан ташқари, аниқ ифодаланадиган эмоционал бўлакка ҳам эга. Асар қаҳрамонларидан бири (кекса рассом) қизни the Freak деб аташ билан унга бўлган салбий муносабатини ифода этмоқда. Романда қизнинг ташқи кўринишига берилган тасвир ўқувчини ўзига хос персонаж билан учрашувга тайёрлайди:

If the Mouse was odd, **this creature was preposterous**. She was even smaller, very thin, a slightly pinched face under a mop of frizzed – out hair that had been riddened with henns .... The eyelids had been black. She had the look of a ragdoll, a neurotic golliwog, a figure from the Widerend of the King's Road (p.25-26).

Бироз сўнг: Something about her, perhaps just the exotic hair and darkness of her tan, was faithfully Negroid, aboriginal, and androgynous (p.63).

Girl сўзининг ўрнига creature отининг ишлатилиши қиз ҳатти-ҳаракатининг ножиоз тамонларига ишора қилади ва бу унинг ҳаётдан келтирилаётган мисоллар асосида изоҳланади. Диний ажримчиликни танлаган ота-онанинг фарзанди бўлган қиз кейинчалик нашавандликка ружи кўяди, ҳаётдан юз ўгиради. Хуллас, берилаётган the Freak лақаби кўшимча коннотатив маъно бўлакларига эга ва бунда қизнинг шахсий сифатлари акс топади.

Иккинчи қизнинг (Diana) айтишича унинг лақаби the Mouse: Henry calls me the Mouse, дейди у асарнинг яна бир персонажи – Давидга.

---

<sup>64</sup> Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary.



Юқорида эслатилган луғатда mouse сўзи қуйидагича изоҳланади: Mouse (n) – sorts of small rodent.

Романни биринчи марта ўқиётган шахс ушбу лақабни учратганида ушбу тушунчага мос келадиган маълумотларни эслаб бошлайди ва унинг маъносини тушинишга ҳаракат қилади. Натижада у нозик, кичкина, ташқи кўринишда диққатни жалб қиладиган ҳеч нарсаи йўқ, тортинчоқ бир кизни кўз олдига келтиради. Лекин матнни ўқиш жараёнида бундай тасаввурнинг алдамчи эканлиги маълум бўлади. Ушбу асарда the Mouse лақаби турдош от (сичқон)нинг маъноси билан боғлиқ эмас, у роман матнида индивидуал маънони ҳосил қилган.

Касби рассом бўлган Давид Уильямс Дианани учратганида унинг образини бошқача тасвирлайди: .... a slim girl of slightly less than medium height and in herearly twenties; brown and gold hair and regular features; level-eyed, rather wide eyes (p.13).

И.В.Арнольднинг фикрича, матнни ўқишда қабул қилинаётган ахборотни қисмларга бўлиш ўқувчига айтилмаган, яширин мазмуннинг идрок этишни талаб қилади ва матннинг ифода кучини оширади.<sup>65</sup> Матнда алоҳида берилаётган таснифлар воситасида the Mouse лақабли қизнинг яхлит образи яратилмоқда. Унинг ташқи кўриниши тасвири эмоционал мазмун шаклланишида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги аниқ кўриниб турибди. Кекса рассом унга писандсизларча муносабатда бўлсада, нега унга the Mouse лақабини бераётганлиги ҳайратли. Бу саволга рассомнинг ўзи жавоб беради:

-Know why I call her the Mouse?

-I did rather wonder

-Not the animal.

The old man hesitated, then reached and took a sheet of paper from a drawer beside him. Standing at his shoulder, David watched him address himself

---

<sup>65</sup> Арнольд И.В. Стилистика английского языка. Л.: Просвещение, 1981.

to the paper as if to some formal document; but all he did was to print in pencil the letter M and then, after a space, the letters U, S, E –Mouse (p.81).

Демак, the Mouse лақаби қизга аниқ ном бериш бўлмасдан, балки ҳақиқий номнинг яширин ифодаланишидир. Келтирилаётган сўзнинг товуш шакли ўқувчиги персонажнинг индивидуал хусусиятлари ҳақида тасаввур уйғотиши мумкин. Баъзан бу ҳақида ўқувчининг ўзи хулосалар чиқаради. Лекин ушбу асарда кекса рассомнинг номидан лақаб ва қизнинг хусусиятлари ўртасидаги боғлиқларга ишоралар беради.

Натижада асар матнида яна бир атоқли от - the Mouse пайдо бўлади. Яна бир қарра луғатга мурожаат қиламиз:

The Muses. 1. (Cr. myth) the nine goddesses, daughters of Zeus, who protected and encouraged poetry, music, dancing, history and other branches of art and learning; 2. The Muse –poet’s genius; spirit that inspires a poet

Ушбу изоҳни кўрганимдан сўнг the Mouse - the Muse антропонимларнинг муносабати тамоман бошқача англашинилади. the Muse лақаби асар қаҳрамонига аниқ тавсиф беришга имкон яратади. Диққатни жалб қиладиган кўринишга эга бўлган бу қиз, яхши рассом ва шу ишга ўзини бағишлаш учун ота-онаси ҳомийлигидан кечган. Машҳур рассомнинг уйида яшаётган бу қиз унинг “илҳом париси”га айланган. Шунинг учун ҳам рассом Бризли the Mouse нинг сўзлари воситасида санъатдаги сотқинликка қарши чиқади:

With out looking at David the Mouse said, “Henry feels that full abstraction represents a flight from human and social responsibility” (p.46).

The girl stared down the room. She spoke very quietly, “art is a form of speech. Speech must be based on human needs, not abstract theories of grammar” (p.50).

The Mouse went on. “I deas are inherently dangerous because they deny human facts” (p.50).

Қизнинг нозик лақаби “the Muse” таркибида коннотация маъноси воқеланади. Шунинг билан биргаликда, анторопоним маъносида яна бир

кўшимча маъно пайдо бўлди. Бу маъно ушбу сўз замиридаги тушунча доирасини кенгайтиради. Ва уни фақат контекстда аниқлаш мумкин. И.В.Арнольд кўрсатганидек, контекст таҳлили воситасида тил бирлиги маъносини тўлиқ ҳажмда аниқлаш имконияти туғилади. Жумладан, the Muse лақаби ва қизнинг исми Diana боғлиқлиги турли ассоциаларни ҳосил қилади, чунки бу икки антропонимнинг ҳар иккаласи ҳам қадимий даврлар билан боғлиқ. Диана – овчилик, туғилиш худоси. Асар персонажи диана ҳам худди шу худодек софлик рамзи.

Антропонимлар ҳам лексик бирликлардир ва улар ҳам барча сўзлар каби воқеликдаги турли объектларни ифодалаш кучига эгадирлар. Биз таҳлил қилаётган асар матнида Диана антропоними анъанавий исм Diana, унинг оғзаки варианты Di ва лақаблар бўлган the Mouse ҳамда the Muse сўзлари билан ифодаланади. Антропоним лексик birlik сифатида луғат сатҳининг бошқа birlikлари билан муносабатда бўлади: сўз туркумида бошқа сўз туркумлари билан, атоқли от сифатида – турдош отлар билан ва ҳақозо. Қизнинг турли номлари ва лақаблари – ягона бир тушунчанинг воқеаланиши натижаси. Улар бир-бирларига нисбатан эквонимлардир.<sup>66</sup>

Асар матнидаги Diana, Di, the Mouse, the Muse ягона бир референтга эга бўлганлиги туфайли, Woman мавзуни гуруҳи доирасида эквонимларни ҳосил қиладилар.

Бундан ташқари, лақаблар маъносида кўпинча шахс қиёфасининг маълум бир жиҳатига ишора мавжудлигини унитмаслик керак бўлади. Шундай мундарижага эга бўлган лақабларнинг айрим гуруҳларини эслатиб ўтмоқчимиз:

1. Шахснинг умумий ташқи кўринишига ишора қилувчи лақаблар: Кўғирчоқ (яхши кийинган, чиройли қиз), Сиёҳдон (сиёҳга булғаниб юрадиган ўқувчи), Қиролича (қомати келишган қиз), Жулдурвақи (эски-туски кийимларни кийиб юрадиган бола) ва ҳақозо.

---

<sup>66</sup> Никитин В.М. Лексическое значение в слове и словосочетание. – Владимир, 1974.

2.Кийим-кечак ва бошқа жиҳозларга нисбатан бериладиган лақаб: Кўзойнак (кўзойнак тақиб юрадиган киши), Қирқ саккиз (катта размердаги пойавзал киядиган бола) кабилар.

3.Юриши, гавдасини тутишига нисбатан бериладиган лақаб: Тошбақа (секин юрадиган одам), Фил (оғир кадамли юрадиган одам), Ғоз (қаддини кўтариб, виқор билан юрадиган одам);

4.Гавда тушилишига нисбатан бериладиган лақаблар: пакана (бўйи паст одам), Дароз (бўйи узун одам), Бўғирсоқ (тўлача киз), Дўмбоқ (гавдаси тўла бола), Лайлак (новча бола), Қоринбой (қорни катта одам) ва ҳакозо.

Ушбу турдаги лақаблар ҳам бадиий асар матнида турлича коннотатив ва прагматик мазмунларни олган ҳолда қўлланадилар. Ёзувчи Ч.Диккенсинг “Bleak House” романида шундай гап бор:

“Alfred has voluntarily enrolled himself in the Infant Bonds of joy and is pledged never, the rough life, to use tobacco in any form”.

Бирнеча саҳифадан сўнг Ч.Диккенс ўз қахрамонини худди шу the bonds of joy бирикмаси воситасида атайди:

And the Bond of Joy who, on account of always having the whole of his little income anticipated, stood in fact pledged to abstain from cakes as well as tobacco, so swelled with grief and rage when we passed a pastry – caok shop, that he terrified me by becoming purple.

Ушбу парчадан кўринадики, Bond of Joy бирикмаси лақаб мақомини олиши билан эмоционал мазмунни ифодаловчи воситага айланади. Шахсинг бирор-бир белгисини номлаш йўли билан ҳосил бўладиган лақаблар нутқий қўлланишда шахс исми билан рақобатлаша олади ҳамда бадиият ижодкорлари бундан унумли фойдаланадилар.<sup>67</sup>

---

<sup>67</sup> Гальперин И.Р. очерки по стилистике английского языка. –М., 1958. –С. 137.

## УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР

1. Антропонимлар бадиий матнда денотатив маъно билан бир каторда, коннотатив маъно бўлакларига ҳам эга бўладилар. Ушбу маъно эмоционал, баҳо, тарихий ва эстетик кўринишларни олиши мумкин.

2. Эмоционал, баҳо ва бошқа кўшимча маъно бўлаklarининг шаклланишида асарнинг умумий ғояси, унинг коммуникатив мазмунини ифодаланишининг асосий омилларидан бўлган муаллифнинг прагматик мўлжали таянч фактор хизматини ўтайди.

3. Бадиий асар персонажлари таснифида турли кўринишдаги антропонимларнинг қўлланиши ўқувчи интеллектуал қобилиятини фаоллаштиради ҳамда тимсолли образларни яққол тасаввур қилишга имкон яратади.

4. Лақабларнинг антропонимлар тизимининг муаян вакили сифатида пайдо бўлиши турли функционал услубларда турлича кечади. Асосан оғзаки мулоқат тизимида шаклланадиган лақабларнинг матнларда фаоллашуви кўпинча алоҳида муаллифнинг услуби, идиостилининг воқеланиши намунасидир.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курамиз”. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Кацнельсон С.Д. “Типология языка и речевое мышление”. –Л: Наука, 1972.
4. Слюсарева Н.А. “Проблемы функциональной морфологии английского языка”. М: Наука, 1986;
5. Иванова И.Б., Бурлакова В.В., Поченцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1981.
6. Есперсен О. “Философия грамматики”. –М., 1958.
7. Fries Ch. “The Structure of English”. –N-Y.: Brace, 1952.
8. Замонавий ўзбек тили. Морфология. Т.: Мумтоз сўз, 2008.
9. Кубрякова Е.С. Части речи в ономаσιологическом освещении. – М.: Наука, 1978.
10. Щерба Л.В. О частях речи в русском языке. В кн.: Избранные работы по русскому языку. Л., 1957.
11. Щур Г.С. Теория поля в лингвистике. –М.: Наука, 1974.
12. Белошапкова В.А. и др. Современный русский язык. –М.: Высшая школа, 1981.
13. Quirk R. Greenbaum S.A University Grammar of English. London: Longman, 1989.
14. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. –Л.: - Наука, 1974.
15. Lyons J. Semantics. –Cambridge : CUP, 1978.
16. Quir R., Greenbaum S., Leech G., Svartvik J. A Grammar of Contemporary English. –L.: Longman, 1976.

17. Ярцева В.Н. Исторический синтаксис английского языка. – М.: Наука, 1961.
18. Бархударов Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1975.
19. Мешков О.Д. Словообразование современного английского языка. –М.: Наука, 1976.
20. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. –Т.: Ўқитувчи, 2007.
21. Huddleston R. Introduction to the Grammar of English. – Cambridge: CUP, 1995.
22. Chafe W. Meaning and the structure of language. –Chicago, 1970.
23. Раҳимов А. Лексик ва семантик деривация муаммолари. –Т.: Навруз, 2011. Б. 146;
24. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М.: Наука, 1975.
25. Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. –Пермь, 1984.
26. Нурмонов А. Лексеминг мазмуний мундарижаси // А.Нурмонов. Танланган асарлар. –Т.: Академнашр, 2012.
27. Keller R. A Linguistic Theory of Sign. –Oxford: OUP, 1998.
28. Никитин В.М. Основы лингвистической теории значения. –М.: Высшая школа, 1988.
29. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Мумтоз сўз, 2010.
30. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқи муаммоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 6-сон.
31. Уфимцева А.А. Лексическое значение. –М.: Наука, 1986.
32. Собиров А. Ўзбек тили лексик қатламини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ қилиш. –Т., 2004.
33. Никитевич В.М. Основы номинативной деривации. Минск, 1985.
34. Ҳақимова М. Семасиология. –Тошкент, 2008;
35. Palmer F.R. Semantics. A new outline. М., 1982.

36. Щетенин Л.М. Переход собственных имен в нарицательные как способ расширения словарного состава языка (на материале английского языка). АКД. –М., 1962.
37. Арнольд И.В. Семантическая структура слова в современном английском языке и методика её исследования. –Л., 1966.
38. Christophersen P. The Articles. London, 1939.
39. Sorensen H. Word classes in Modern English.
40. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2010. Б. 217.
41. Суперанская А.В. Структура имени собственного. М.: Наука, 1969. С. 115.
42. Gardiner A. The theory of proper names. –London –New York, 1954.
43. Ullmann S. Semantics. An introduction into the science of meaning. –Oxford, 2002.
44. Суперанская А.В. Теоретические проблемы ономастики. Автореф. докт. дисс., –М., 1974.
45. Болотов В.И. Актуализация антропонимов в речи. Автореф. канд. дисс. –А., 1970.
46. Магазанник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе. –Автореф. канд. дисс. –Самарканд, 1967.
47. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. –М., 1963.
48. Толстой Л.Н. Несколько слов по поводу книги «Война и мир» // Полное собрание художественных произведений.
49. Колшанский Г.В. Контекстная семантика. –М.: Наука, 1980.
50. Reany P. A Dictionary of British surnames. –London, 1988;
51. Пелевина Н.Ф. О сематизации звуковой стороны художественного текста // Вопросы семантики. –Л.: Изд-во ЛГПИ, 1976.
52. Воронин С.В. Основы фоносемантики. –Л., 1988;



53. Шаховский В.И. Эмоции. Долингвистика. Ляогвистика  
Лингвокультурология. –М: URSS, 2009.
54. E.Vo. Vile Bodies. –London, 1980.
55. O.Haxley. Point counter point. –London, 1971.
56. Никонов В.А. Введения в топонимику. –М.: Наука, 1965;
57. Беленькая В.Д. Топонимы в лексической системы языка. –М.:  
Изд-во МГУ, 1969.
58. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. –М.:  
Наука, 1973.
59. Cary J. The horse's mouth. –London, 1987; Murdoch I. Under the  
net. –London, 1974.
60. Ashurova D. Text linguistics. –Т., 2012.
61. Худойберганава Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Т.: Фан,  
2013.
62. Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. Т.:  
“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2009.
63. Fowles J. The ebony Tower. –London, 1981.
64. Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary.
65. Арнольд И.В. Стилистика английского языка. Л.: Просвещение,  
1981.
66. Никитин В.М. Лексическое значение в слове и словосочетание.  
–Владимир, 1974.